



**Tadqiqot.uz**

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



**31 MAY  
№28**

**CONFERENCES.UZ**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
1-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
28-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-1**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
28-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2021**



**УУК 001 (062)**  
**КБК 72я43**

## **"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 28-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 54 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



## **22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

## **23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

<b>1. Shodmonov Mirzoxid Muxtor o'g'li</b> SIYOSIY PARTIYALAR FAOLIYATINING KONSTITUTSIYAVIY ASOSLARI VA UNING NAZARIY-HUQUQIY TAHLILI .....	7
<b>2. Abdug'aniyev Mirjalol Abdubannob o'g'li</b> KORRUPSIYAVIY XAVF-XATARLARNI BAHOLASH VA OLDINI OLISHNING HUQUQIY ASOSLARI .....	10
<b>3. Абдуллаев Шермухаммад Рўзиматович</b> ҚАРЗ ШАРТНОМАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ .....	13
<b>4. Одашев Абдуллажон Одилжонович</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ – ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ РОССИЯ ДАВЛАТИ МИСОЛИДА.....	17
<b>5. У.И.Бобоназаров, Қахаров Фируз Элмуратович</b> JINOYAT PROTSESIDA JABRLANUVCHILARNING HUQUQLARINI NIHOYA QILISHGA QARATILGAN XALQARO TAJRIBA.....	20
<b>6. У.И.Бобоназаров, Қахаров Фируз Элмуратович</b> XORVATIYA VA DANIYA DAVLATLARIDA JABRLANUVCHILARNI HUQUQLARINI NIHOYA QILISH AMALIYOTI.....	23
<b>7. Жумабаев Руслан Тажимуратович</b> НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШДА МЕДИАТИВ КЕЛИШУВНИНГ АҲАМИЯТИ .....	26
<b>8. Караманова Беназир</b> РАЗВИТИЕ ЮВЕНАЛЬНОЙ ЮСТИЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И В МИРЕ. ....	29
<b>9. Каримжонов Муҳаммадамин Муҳаммадалиевич</b> ИШ ТАШЛАШ МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ ҲИСОБЛАНАДИМИ?.....	31
<b>10. Сафаров Умиджон Хакимжонович</b> ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА БЕКОР БЎЛИШИ.....	33
<b>11. Сейтназаров Адилбек Джолдасович</b> ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ .....	37
<b>12. Бахронов Фахриддин Файзуллаевич</b> БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ВА УЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ ОҚИБАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШДА ИНСОФЛИ ЭГАЛЛОВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ.....	40
<b>13. Атаев Шокир Куранбаевич, Матназаров Мохира Уктамовна</b> ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР .....	44
<b>14. Атаев Шокир Куранбаевич</b> ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР .....	46
<b>15. Mahmudbekova Gulbahor Ismoilovna</b> YOSHLARNING IJTIMOY-HUQUQIY NAMDA SIYOSIY JIHATDAN FAOLLIGINI OSHIRISH .....	48
<b>16. Ермекбаев Баўыржан</b> ӨЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДА МӘМЛЕКЕТ ХЫЗМЕТШИЛЕРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ӨТКИЗИЎДЕ СЫРТ ЕЛ МӘМЛЕКЕТЛЕР ТӘЖРИЙБЕСИНЕН ПАЙДАЛАНЫЎ МӘСЕЛЭЛЕРИ .....	49
<b>17. Қазақбаев Туўелбай.....</b> ТӘБИЯТТАН ПАЙДАЛАНЫЎ ҲӘМ ҚОРШАП ТУРҒАН ТӘБИЙИЙ ОРТАЛЫҚТЫ ҚОРҒАЎ ТАРАЎЫН БАСҚАРЫЎ ТҮСИНИГИ ҲӘМ ӨЗИНЕ ТӘН ҚӘСИЙЕТЛЕРИ.....	52



## ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### СИЙOSIY PARTIYALAR FAOLIYATINING KONSTITUTSIYAVIY ASOSLARI VA UNING NAZARIY-HUQUQIY TAHLILI

**Shodmonov Mirzoxid Muxtor o'g'li**  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
I bosqich tayanch doktoranti  
Tel: +99890 990-49-79  
shodmonovmirzoxid69@gmail.com

**Annotatsiya:** O'zbekistonda siyosiy partiyalar faoliyatining konstitutsiyaviy asoslari va uning nazariy-huquqiy tahlili haqida bo'lib, asosan, siyosiy partiyalar faoliyatining konstitutsiyaviy asoslari va ularni huquqiy tartibga solish masalalari nazariy-huquqiy jihatdan normativ huquqiy hujjatlar va ilg'or tajribaga ega olimlarimiz izlanishlari asosida ilmiy tahlil qilingan. Tadqiqot ishimizda siyosiy partiyalar faoliyatining konstitutsiyaviy asoslari va uning tahlili taklif va xulosalar berildi.

**Kalit so'zlar:** konstitutsiya, siyosiy partiya, ko'ppartiyaviylik, jamoat birlashmasi, huquqiy mexanizm, partiya ustavi, partiya dasturi, partiya nizomi.

Mamlakatimizda amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar milliy davlatchilik va suverenitetni mustahkamlash, huquq-tartibotni, jamiyatda qonun ustuvorligini, jamoat tashkilotlari faoliyati erkinligini, inson huquq va erkinliklarini, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik muhitini ta'minlash uchun muhim poydevor bo'ldi. Davlat siyosatining bosh yo'li huquqiy, demokratik davlatni vujudga keltirish, qonun oldida barchaning tengligini ta'minlash, «fuqaro – jamiyat – davlat» prinsipini joriy etish, ana shu yo'l bilan fuqarolik jamiyatini vujudga keltirish bo'ldi. O'zbekistonda demokratik huquqiy davlat barpo etish jarayonida ko'plab vazifalar belgilangan edi. Eng muhim vazifalardan biri respublikada jamoat tashkilotlari va siyosiy partiyalarning yangi sharoitlarga mos keladigan tizimini yaratish edi. Hozirgi amalda bo'lgan, faoliyat yuritayotgan siyosiy partiyalar jamiyatda demokratik jarayonlarni rivojlantirish va fuqarolarda siyosiy ong va tafakkurni shakllantirish orqali jamiyat va davlat boshqaruvida keng ko'lamli ishtirokini ta'minlash maqsadida tashkil qilindi.

O'zbekiston Respublikasi mustaqil taraqqiyot yo'liga kirgach, O'zbekistonga xos va mos siyosiy partiyalar tizimi vujudga keldi. Hozirda deyarli jahonning barcha mamlakatlari qatori O'zbekiston jamiyatida ham bu institut milliy tizim sifatida rivojlanib bormoqda.

O'zbekiston Respublikasida siyosiy partiyalarning o'tgan yillar davomidagi faoliyatiga nazar tashlaydigan bo'lsak, ularning rivojlanishi uchun huquqiy asos yaratilganini ko'ramiz. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, «Siyosiy partiyalar to'g'risida»gi, «Siyosiy partiyalarni moliyalashtirish to'g'risida»gi hamda «Davlat boshqaruvini yangilash va yanada demokratlashtirish hamda mamlakatni modernizatsiya qilishda siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish to'g'risida»gi Konstitutsiyaviy qonuni kabi qator qonun va normativ hujjatlar shular jumlasidandir [5].

Konstitutsiyamizning 60-moddasida: „Siyosiy partiyalar turli tabaqa va guruhlarning siyosiy irodasini ifodalaydilar va o'zlarining demokratik yo'l bilan saylab qo'yilgan vakillari orqali davlat hokimiyatini tuzishda ishtirok etadilar. Siyosiy partiyalar o'z faoliyatlarini moliyaviy ta'minlanish manbalari haqida Oliy Majlisga yoki u vakil qilgan organga belgilangan tartibda oshkora hisobotlar berib turadilar [1].“

Yuqoridagi konstitutsiyaviy asosdan shuni anglash mumkinki vakillik organlarning shakllanishi va demokratik saylovlar jarayonini siyosiy partiyalar faoliyatisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Ularning faoliyatida huquqiy kafolat va erkinlikning mavjudligi partiyalar faoliyatidagi samaradorlikni oshiruvchi asosiy mezon hisoblanadi. Siyosiy partiyalar muayyan ijtimoiy guruh manfaati yo'lida



kurashib butun mamlakat maqsadini amalga oshirish uchun xizmat qilgan ekan, bu jarayonda fuqarolar faolligi, siyosiy irodasi va huquqiy madaniyati yuksak o'rin tutadi. Fuqarolarimizning siyosiy partiyalarga a'zoligining huquqiy asosi Konstitutsiyamizning 34-moddasida o'z aksini topgan.

„O'zbekiston Respublikasi fuqarolari kasaba uyushmalariga, siyosiy partiyalarga va boshqa jamoat birlashmalariga uyushish, ommaviy harakatlarda ishtirok etish huquqiga egadirlar.

Siyosiy partiyalarda, jamoat birlashmalarida, ommaviy harakatlarda, shuningdek hokimiyatning vakillik organlarida ozchilikni tashkil etuvchi muxolifatchi shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qadr-qimmatini hech kim kamsitishi mumkin emas [1].

O'zbekistonda demokratik jamiyatga xos saylov tizimi barpo etilishida xalqaro huquq andozalari va talablariga mos siyosiy partiyalar faoliyatiga oid qonunchiliklarning yaratilishi muhim ahamiyat kasb etdi va ko'ppartiyaviylik tizimi qaror topdi. Ko'ppartiyaviylik – jamiyat hayotida ikki yoki undan ortiq partiyaning faoliyat yuritishidir [6]. Ko'ppartiyaviylik demokratik yo'lga kirgan davlat va jamiyatlarga xos hisoblanib, jamiyat taraqqiyoti fikrlar xilma-xilligiga asoslanadi. Jamiyatda siyosiy partiyalarning erkin faoliyat ko'rsatishi demokratik huquqiy davlat barpo etishning asosiy garovidir. Tabiiyki, siyosiy partiyalarning jamiyatda qanchalik mavqega ega ekanligini belgilovchi asosiy mezon bu ularning davlat hokimiyati vakillik organlariga bo'ladigan saylovlarda qanday natijalarga erishganligi hisoblanadi. Siyosiy partiyalarga erkin faoliyatiga huquq berilishi bilan bir qatorda bosqichma-bosqich davr talabidan kelib chiqqan holda, milliy va xalqaro tajribaning ustuvor yutuqlaridan foydalanilib siyosiy partiyalar faoliyati va qonunchiligi takomillashtirilib borilmoqda.

Xususan, 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasida siyosiy tizimni rivojlantirish, davlat va jamiyat hayotida siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish ustuvor vazifa sifatida belgilanganligi mazkur yo'nalishda yanada zamonaviy mexanizmlarni joriy etish masalani belgilaydi. Strategiyamizning birinchi ustuvor yo'nalish „Davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirishning ustuvor yo'nalishlari“ – sifatida nomlangan bo'lib, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va mamlakatni modernizatsiya qilishda Oliy Majlis, siyosiy partiyalarning rolini yanada kuchaytirish [2] -deb belgilanishi ham sohada siyosiy partiyalar tizimini rivojlantirish va davlat va jamiyat hayotida siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish, ular o'rtasida sog'lom raqobat muhitini shakllantirishga muhim qadamlardan biri bo'ldi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 8 sentyabrdagi farmoni asosida tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasida Ma'muriy islohotlar konsepsiyasi mahalliy davlat hokimiyati tizimida vakillik va ijro etuvchi organlar o'rtasidagi munosabatlarni tubdan yangi bosqichga ko'tarishni nazarda tutadi. Aynan bunda muhim bir jihatlar sifatida xalq deputatlari kengashlarining ijro etuvchi hokimiyat organlari hududiy bo'linmalari faoliyatini nazorat qilish bo'yicha roli va mas'uliyatini oshirish, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari va hokimlar faoliyati ustidan ta'sirchan jamoatchilik nazoratini ta'minlashga qaratilgan hokimlarni saylash tartibini joriy etish va boshqa qoidalarning jalb etilishi bu boradagi muhim islohotlar deyish mumkin [3].

Ayni vaqtda mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot yo'lining tahlili, bugungi kunda keskin o'zgarib, globallashtirish sharoitida raqobat tobora kuchayib borayotgani davlatimizni yanada jadal sur'atlar bilan rivojlantirish uchun mutlaqo yangicha yondashuvni ishlab chiqishni taqozo etdi. Siyosiy partiyalar faoliyatida fuqarolar ishtiroki va ularning siyosiy faolligi bevosita partiyalarning samarali faoliyat ko'rsatishi bilan bog'liq. Shuni alohida ta'kidlash ham joizki bugungi kunda partiyalar faoliyatiga fuqarolarning ishochsizligi holatlari ham kuzatilib turibdi. Bu jiddiy holat, chunki siyosiy partiyalar davlat boshlig'i va vakillik organlar shakllanishida bevosita qatnashar ekan, bu vaziyatda fuqaro va davlat o'rtasida siyosiy partiyalar ko'prik vazifasini bajarishi kerak.

Siyosiy partiyalarni har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, ularni modernizatsiya qilish hamda liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2017-yil 22-dekabr Oliy Majlisiga qilgan Murojaatnomasida quyidagi fikrlarni ta'kidlab o'tdi.

“Bugungi siyosiy partiyalarning faoliyatini amalga oshirishning aniq huquqiy mexanizmlari yaratilmagani, bu esa siyosiy partiyalar tomonidan davlat organlari va mansabdor shaxslar faoliyatini xolisona baholashga xalaqit berishi, davlat va jamiyat boshqaruvida siyosiy partiyalarning ta'sirchan va amaliy mexanizmlarini joriy etish maqsadida siyosiy partiyalarning faoliyatining ochiqligini, mustaqilligini ta'minlaydigan, ularni aholi bilan bevosita bog'lab



hokimiyat shakllanishida ko'prik vazifasini bajarishi lozimligini keltirib o'tgan[4].

Xulosa o'mida shuni ta'kidlash kerakki, **siyosiy** partiyalar faoliyatining konstitutsiyaviy asoslari mavjudligi, ular faoliyatidagi samarali faoliyatni ta'minlaydi va jamiyat hayotida huquqiy ong, huquqiy madaniyat yuksalishida yoshlarning, aholining qonunga bo'lgan munosabatlarini, siyosiy irodasini mustahkamlab, davlat va jamiyat boshqaruvida faolligini kuchaytiradi. Konstitutsiyamizda belgilanganidek O'zbekiston Respublikasining fuqarolari jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda bevosita hamda o'z vakillari orqali ishtirok etish huquqiga egadirlar. Demak bu jarayonda siyosiy partiyalar muhim o'rin egallab, ularning faoliyati va jamiyat hayotidagi ishtiroki huquqiy jihatdan tartibga solinib, doimiy ravishda modernizatsiya qilib boriladi

#### **Foydanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисида”ги Фармонига шарҳ // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №6. 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони „Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси”
4. Sh.M.Mirziyoyev. Oliy Majlisga Muorjaatnomasi. <http://uza.uz/oz/politics/o'zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-nutqi-28-12-2018>.
5. N.Jo'rayev.,Fayzullayev.T Mustaqil O'zbekiston tarixi.-Toshkent:G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009.-660 b.
6. Bekov.I.R, Abbosxo'jayev.Sh.A Saylov va siyosiy partiyalar.-Toshkent:TDYU,2004.-48 b.



## KORRUPSIYAVIY XAVF-XATARLARNI BAHOLASH VA OLDINI OLISHNING HUQUQIY ASOSLARI

**Abdug’aniyev Mirjalol Abdubannob o’g’li**

Bosh prokuratura akademiyasi magistraturasi  
“Korrupsiyaga qarshi kurash” yo’nalishi tinglovchisi.  
Telefon: +99897 405 70 70

**Annotatsiya:** mazkur tezisda O’zbekiston Respublikasining korrupsiyaviy xavf-xatalarni baholash va oldini olish borasidagi islohotlari amaldagi qonunchilik asosida yoritiladi, ijg’or xorijiy tajribaga tayangan holda korrupsiyaviy xavf-xatar haqidagi tushunchaga oydinlik kiritiladi.

**Klit so’zlar:** korrupsiya, korrupsiyaviy xavf-xatarlar, bahoash va oldini olish.

Korrupsiyaga qarshi siyosatni ishlab chiqishda xalqaro tashkilotlar va ko’plab davlatlarning hukumatlari korrupsiya xavfini baholash mumkin bo’lgan yondashuvlarga e’tiborni kuchaytirmoqdalar. **Korrupsiyaviy xatarlarni baholash** – unga qarshi kurashning samarali profilaktika mexanizmlaridan biri shuningdek, ishlab chiqilgan korrupsiyaga qarshi choralarning haqiqiy korrupsiya sxemalariga mos kelishini ta’minlash **usulidir**.

Ammo, korrupsiya xavfini tizimli ravishda baholashga imkon beradigan yagona usul mavjud emas.

Korrupsiyaga qarshi kurashning **xorijiy tajribasi** - «korrupsiyani keltirib chiqaruvchi» omillarni aniqlash, muayyan davlat organida korrupsiya xavfiga **eng zaif** bo’lgan hukumat funksiyalarini aniqlash zarurligiga asoslanadi.

Turli ko’rinishlardagi korrupsiyaviy xavf-xatarlarni tahlil qilish shu sohada qonunchilikni rivojlantirish, korrupsiyaga qarshi munosib hamda samarali strategiyalarni yaratish va amaliyotga joriy qilish uchun zarurdir.

Korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash borasidagi qarashlar, yondashuvlarni o’rganish, xavfni baholash metodologiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish hozirgi kunda dolzarb ahamiyatga ega bo’lib bormoqda.

**Birlashgan Millatlar tashkilotining «Korrupsiyaga qarshi» konvensiyasi 5-moddasiga ko’ra, har bir ishtirokchi davlat korrupsiyani oldini olish va unga qarshi kurashish uchun tadbirlarning etarligini aniqlash maqsadida tegishli huquqiy hujjatlar va ma’muriy choralarni muntazam ravishda baholashni amalga oshirishi zarurligi ko’rsatilgan.**

Ya’ni, har bir ishtirokchi davlat korrupsiya holatlarini keltirib chiqaruvchi funksiyalarning huquqiy asoslarini doimiy monitoring qilib, ularga qarshi chora-tadbirlar belgilashi nazarda tutilmoqda.

O’zbekiston Respublikasi korrupsiyaga qarshi kurash sohasida islohotlar olib borishni maqsad qilgan holda, 2008 yil 7 iyulda Birlashgan Millatlar tashkilotining «Korrupsiyaga qarshi» Konvensiyasiga qo’shildi.

Islohotlar davom etib, 2017 yil 3 yanvarda O’zbekiston Respublikasining «Korrupsiyaga qarshi kurashish to’g’risida»gi Qonuni qabul qilindi. Qonunda davlat boshqaruvi sohasida korrupsiyaning oldini olishga doir bir qator chora-tadbirlar belgilandi.

Davlat organlari faoliyatida korrupsiyaning oldini olishda tadbirlarning amalga oshirilishi yuzasidan ushbu organlar tomonidan ko’rilayotgan chora-tadbirlar samaradorligini baholagan holda muntazam ravishda monitoring o’tkazish sharti mazkur chora-tadbirlardan biri sifatida belgilandi.

Islohotlar davom ettirilib, korrupsiyaga qarshi murosasiz kurashish, uning oldini olish maqsadida 2019 yil 27 mayda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to’g’risida”gi PF-5729-sonli farmoni asosida korrupsiyaga qarshi kurashish davlat dasturi qabul qilindi. Bu korrupsiyaga qarshi kurashish borasidagi ikkinchi davlat dasturi bo’ldi. Bunga qadar 2017-2018 yillar uchun mo’ljallangan davlat dasturi qabul qilinib, ijrosi amalga oshirilgan edi.

Farmon asosida davlat organlariga ularning zimmasiga yuklangan vazifa va funksiyalarni amalga oshirishda yuzaga keladigan korrupsiyaviy xavf-xatarlarni majburiy baholash tartibini joriy qilish yuklatildi.

Mazkur farmon respublikada korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash, aniqlash va oldini olishga



qaratilgan birinchi normativ-huquqiy hujjatladan biri bo'ldi.

Davlat organlari zimmasidagi vazifa va funksiyalarni bajarishda yuzaga keladigan korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash tizimini takomillashtirish va davlat xizmatiga halollik standartlarini joriy qilish bo'yicha bir qancha ishlar amalga oshirilgan bo'lsa-da, korrupsiyaga qarshi kurashish samaradorligini tubdan oshirish bo'yicha belgilangan vazifalar korrupsiya holatlarining kelib chiqish sabablari va holatlarini aniqlash, ularni bartaraf etishning ta'sirchaniyatini yaratishni taqozo etdi. Ushbu zaruratdan kelib chiqqan holda, jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarida korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashishga qaratilgan davlat siyosatining samaradorligini oshirish maqsadida 2020 yil 29 iyunda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-6013-sonli farmoni qabul qilindi. Farmon asosida O'zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tashkil etildi.

Joriy yilning 3 fevral kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risidagi PF-6155-sonli farmoni qabul qilindi. Farmonning 20 bandida O'zbekiston Respublikasida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni aniqlash, oldini olishga qaratilgan islohotlar amalga oshirilishi belgilandi.

Xususan, davlat organlari va tashkilotlari o'z faoliyatlari davomida duch kelgan korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish bo'yicha takliflarni Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligiga doimiy ravishda taqdim etishi nazarda tutilgan. Agentlik tomonidan mazkur takliflar asosida jamoatchilik fikri o'rganilib, soha va tarmoqlar faoliyati tahlil qilinadi. Natijada "Korrupsiyaga moyil bo'lgan munosabatlar elektron reystri"ni shakllantirish imkoni paydo bo'ladi.

Shuningdek, shakllangan elektron ro'yxat asosida korrupsiyaviy omillarni qisqartirish, yo'q qilish maqsadida ular bilan bog'liq faoliyatlarni raqamlashtirish (misol uchun, elektron navbat, auktsion va boshqa zamonaviy usullar), faoliyatning ochiqligini ta'minlash, jamoatchilik nazoratini o'rnatish, ekspertlar va fuqarolik instituti vakillarni jalb qilish orqali ularni keng muhokamadan o'tkazib takliflar ishlab chiqish nazarda tutilgan.

Bundan tashqari, amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarning natijadorligini va korrupsiyaviy omillarni bartaraf etishga ta'sirini jamoatchilik fikrini o'rgangan holda baholash va e'lon qilish amaliyoti joriy qilinadi.

Korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash va oldini olish bo'yicha bir qator ilg'or horijiy tajribalarni keltirish mumkin. Rivojlangan mamlakatlar korrupsiyaviy xavf-xatarlarni aniqlash va oldini olish yuzasidan dasturlar ishlab chiqishgan.

Niderlandiya davlati amaliyotiga ko'ra, davlat sektorlarida korrupsiya xavfini baholash majburiydir. Ular "SAINT" deb nomlangan keng qamrovli korrupsiya xavfini baholash tizimidan foydalanadilar. Davlatda korrupsiya xavfini baholash bo'yicha qonun mavjud emas, lekin davlat tashkilotlari korrupsiyaviy xavflarni baholash bo'yicha o'zaro kelishuvga amal qilishadi hamda mustaqil tarzda o'z faoliyatidagi korrupsiyaviy xavflarni baholaydilar.

Niderlandiyada davlat sektori tashkilotlari uchun ishlab chiqilgan korrupsiya xavfini baholashning eng ilgari surilgan vositasi o'zini o'zi baholash yaxlitligi yoki "SAINT" hisoblanadi. Ushbu vosita davlat sektori tashkilotlariga ularning korrupsiyaga zaifligi va yaxlitlik buzilishlariga chidamliligini baholashga imkon beradi va yaxlitlikni boshqarishni takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar beradi. U jamoat sektori yaxlitligini targ'ib qilish bo'yicha markaz (BIOS), Amsterdam hokimligining ochiqlik bo'yicha idorasi va Gollandiya Auditorlik sudi bilan birgalikda ishlab chiqilgan<sup>1</sup>.

Mazkur dastur tatbiq etilgan davlat organidan o'zini yaxlitligini sinab ko'rish uchun tashabbus ko'rsatishni talab qiladi. Bunda tashkilot o'z hodimlarining bilimlari, fikrlari va tavsiyalariga asoslangan holda ularning korrupsiyaviy holatlarga bardoshlilikini baholaydi. Tashkilot hodimlariga SAINT dasturi doirasida bir kunlik seminar o'tkaziladi. Seminarda hodimlarga uslubiy maslahatlar beriladi, ular xavf nuqati nazaridan qanday fikr yuritish va ularni minimallashtirish bo'yicha qaday tavsiyalar ishlab chiqish bo'yicha bilimga ega bo'ladilar. Seminar yakunida tashkilot boshqaruvi bo'yicha hisobot tayyorlanadi, shuningdek harakatlar rejasi ishlab chiqilib, unda tashkilotning intellektual huquqbuzarliklarga qarshi turg'unligini kuchaytirish bo'yicha choralar belgilanadi.

<sup>1</sup> See 'A new integrity instrument- SAINT' yer (available on: [http://www.integriteitoverheid.nl/leadadmin/BIOS/data/Factsheets/BIOS-FS-Saint\\_klein\\_.pdf](http://www.integriteitoverheid.nl/leadadmin/BIOS/data/Factsheets/BIOS-FS-Saint_klein_.pdf))



Dastur bir necha metodlarga asoslangan holda ishlaydi. Misol uchun, tashkilot faoliyati va ish jarayonlarida korrupsiyaga nisbatan zaiflikni aniqlash va belgilash, korrupsiyaga nisbata zaiflikni o'rtiruvchi omillarni baholash, tashkilotning korrupsiyaviy xatarlarga qarshi individual salohiyatini baholash, qo'llanilayotgan metodlarni o'zaro muvofiqligini tahlil qilish kabi metodlar.

Ushbu metodlarni qo'llash orqali davlat organi faoliyatidagi korrupsiyaviy xavf-xatarlar aniqlanadi hamda ular bartaraf etish bo'yicha choralar ko'riladi.

Yuqoridagilarga asoslangan holda aytishimiz mumkinki, Niderlandiyada korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash va oldini olishda asosiy urg'u hodimlar tashabbusiga qaratilgan.

Bir qator rivojlangan davlatlar amaliyotida ham korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash va oldini olish borasida dasturlar ishlab chiqilganini ko'rishimiz mumkin, ammo bularning ichidan aynan biror-birini eng yaxshi amaliyot deyish mushkul vazifa. Chunki, ayni bir davlatda qo'llanilib ijobiy natijalarga erishilgan amaliyot boshqa bir davlatda bunday samara bermasligi mumkin.

Xulosa o'rnida takidlash joizki, korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash va oldini olish borasidagi vazifalarni amalga oshirish orqali quyidagilarga erishishimiz mumkin:

**Birinchidan**, korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash uchun muhim hisoblangan korrupsiyaviy omillarning ro'yxatlash shakllantiriladi. Buesa, davlat boshqaruv organlari funksiyalarining korrupsiyaga eng zaif bo'lgan nuqtalarini aniqlashga asos bo'lib xizmat qiladi. Pirovard natijada korrupsiyaviy xavf-xatarlarga qarshi kurashish uchun aniq chora-tadbirlar ishlab chiqishimiz mumkin bo'ladi;

**Ikkinchidan**, jamoatchilikni, malakali ekspertlarni korrupsiyaviy omillarni aniqlashga jalb qilish orqali davlat organlarining ochiqligi va shaffofligi ta'minlanadi, hukumatga nisbatan ishonch ortadi;

**Uchinchidan**, davlat boshqaruvi organlarida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash, aniqlash va oldini olishga qaratilgan standart normalarning kiritilishi korrupsiya sodir etish imkoniyatlarini cheklashga olib kelmasligi ham mumkin, "E-Korrupsiya" loyihasini amalga oshirish orqali esa korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash (aniqlash) va oldini olish metodologiyasini yanada rivojlantirish, amaliyotda qo'llash, doimiy monitoringini amalga oshirish, tahliliy hisobotlar tayyorlash hamda tahlil asosida vaziyatni tushunib yetish mumkin bo'ladi;

**To'rtinchidan**, muayyan korrupsiyaga qarshi joriy etiladigan choralar maqsadi aniq belgilanadi, qaratilgan chora-tadbirlar qamrab oluvchi davlat funksiyalarini bajaradigan shaxslar guruhining ro'yxati shakllantiriladi, qo'llanilayotgan usullardan kutilayotgan natijani aniqlashga alohida e'tibor qaratishga imkon paydo bo'ladi.

#### Foydalanilgan normativ-huquqiy hujjatlar ro'yxati:

1. Birlashgan Millatlar Tashkilotining "Korrupsiyaga qarshi" Konvensiyasi. New-York, 2004 y.
2. O'zbekiston Respublikasining «Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida»gi Qonuni.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PF-5729-sonli farmoni.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-6013-sonli farmoni.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risidagi PF-6155-sonli farmoni.
6. A new integrity instrument- SAINT' yer (available on: [http://www.integriteitoverheid.nl/leadmin/BIOS/data/Factsheets/BIOS-FS-Saint\\_klein\\_.pdf](http://www.integriteitoverheid.nl/leadmin/BIOS/data/Factsheets/BIOS-FS-Saint_klein_.pdf))
7. "Оценка коррупционных рисков в деятельности государственных органов: возможные подходы", выпускная квалификационная работа G.K.Maloletkina. Moskva 2013 y.



## ҚАРЗ ШАРТНОМАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Абдуллаев Шермухаммад Рўзиматович  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
Олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби магистри  
Тел: 90-300-78-31

**Аннотация:** Ушбу мақолада фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг шахслар орасида кенг тарқалган тури, яъни қарз муносабатлари ва мазкур муносабатларни қонуний расмийлаштириш тартиби, ҳуқуқий асослар ва қарз муносабатларини тасдиқлаш жараёнидаги муаммолар ва ечимга йўналтирувчи тавсиялар мушоҳада қилинган.

**Калит сўзлар:** қарз муносабатлари, қарз шартномаси, ҳуқуқий асос, қарзни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Кишилар ўртасидаги қарз муносабатлари жамиятда ҳали ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатлар у қадар ривожланмаган пайтлардаёқ, муайян муддатга моддий буюмларни қайтариш шарти билан бериб туриш тарзида шаклланган эди. Қарз муносабатларининг дастлабки ҳуқуқий белгилари қадимги Римда яратилган бўлиб, пул ихтиро қилиниши билан мазкур муносабат ўзининг қарз шартномаси кўринишини олган. Бугунги кунда қарз деганда, муайян муддатга қайтариш шарти билан пул маблағи бериб туриш тушунилади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан қарз бериш нафақат, ўзаро ёрдам ва ишончнинг бир кўриниши, балки фойда кўриш воситасига ҳам айланди.

Бугунги кунга келиб қарз муносабатлари ҳаётимизда энг кенг тарқалган ижтимоий муносабатлардан биридир. Қарз муносабатларининг предмети фақатгина пул эмас, балки қонун билан фуқаролик муомаласида бўлиши чекланмаган ёки муомаладан чиқарилмаган ашёлар ҳам бўлиши мумкин.

Қонунчилигимизда қарз муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий асослар мавжуд. Мазкур нормалар қарзни расмийлаштиришнинг қонуний тартибини белгилайди. Жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган қарз шартномаси қарз олувчи томонидан қарз берувчига тилхат бериш орқали расмийлаштирилади. Қарз тилхати қарз олувчининг имзоси билан тасдиқланади ва процессуал жиҳатдан далилга тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

<sup>1</sup>“Қарз мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқини ёки мулкни оператив бошқарув ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномалардан ҳисобланади. Бинобарин, қарздор қарзга олинган нарсанинг айнан ўзини қайтармасдан, балки олган пулни ёки ўша қарзга олинган нарсанинг хили, сифати ва миқдори бараварида бошқа нарсани қайтаришга мажбур бўлади.”

Қарз шартномасининг қандай шаклда тузилиши кераклиги ҳам қонун нормасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарз шартномасини расмийлаштиришда ёзма шаклга риоя қилинмаса қонунда назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Яъни, қарз шартномаси тарафлари ўртасида низо чиққан тақдирда тарафларни мазкур битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Агар қарз олувчи қарз берувчига мазкур муносабат ҳақида тилхат ёки қарз берувчи

<sup>1</sup> “Фуқаролик ҳуқуқи” дарслик И.Закиров ва бошқалар 2-қисм 378-б. ТДЮИ-2008й.



томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар қарз олувчига топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилигимизда қарз олувчининг қарзни қайтариш мажбурияти ҳам мустақамланган бўлиб, унга кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Қарз шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатига мувофиқ нотариус томонидан ижро хати ёзилади. Ижро хати қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда қайд этилади. Қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда ижро хатини ёзиш учун жой бўлмаган ҳолларда у алоҳида варақда амалга оширилади. Қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро ёзувини ёзади. Ушбу нотариал ҳаракат шахсларнинг ёзма аризасига асосан амалга оширилади.

Суд амалиётидаги аксарият низолар битимларни, шунингдек шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда улар қарз шартномаларидан келиб чиқмоқда.

Умумий қоидага кўра қарз шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома, яъни қонунга кўра, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади. Фоиз тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар қарз шартномасида фоиз миқдори ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, берилган қарз учун фоиз тўлаш амалдаги қонунчиликка асосан амалга оширилади.

<sup>1</sup>“Фоизли қарзга бериладиган пул кредит дейилади. Агар қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш, даромад олиш учун ишлатилса, қарз капитали шаклини олади. Агар қарз шахсий истеъмолни қондиришга хизмат қилса; одатдаги пул қарзи бўлади, холос, чунки унда капитал белгиси бўлмайди.”

Қонунда белгиланган бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, қайтариб беришдан бош тортиш, тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз ундиришни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг алоҳида, ўзига хос бир чораси деб ҳисоблаш мумкин.

Тарафларнинг келишувига биноан фоизлар пул ёки натура шаклида тўланиши мумкин, бу қарзнинг предметиға боғлиқ бўлмайди.

Қарз шартномаси бўйича фоизлар тарафлар томонидан келишилган ҳар қандай ҳолатда тўланиши мумкин, махсус кўрсатма бўлмаган тақдирда эса ҳар ойда, аммо шартномада қарз суммасини қайтариш муддатигача эмас, балки унинг ҳақиқий қайтарилиши кунигача тўланиб борилиши лозим.

Умумий қоидага кўра, асосий сумма охириги навбатда қопланади.

Демак, қарз фоизлари ҳам қарз суммасининг тўлиқ қоплангунига қадар тўлаб борилади.

Қарз шартномаси пул мажбурияти бўлганлиги сабабли ҳам, ушбу шартнома шартларини бузишга нисбатан қонун нормасининг пул мажбуриятлари учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Ҳуқуқий адабиётлардаги қарз шартномасининг мазмуни хусусидаги фикрлар асосан шартноманинг бир томонламалик табиатидан келиб чиқиши ва шу сабабли қарз олувчида қарз объектини қайтариш ва фоизларни тўлаш мажбурияти мавжудлиги, қарз берувчи эса қарзни талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги билан боғлиқ. Бирок, қарз шартномасининг асосий мазмуни деганда, шартнома нарса ва тарафларнинг хатти-ҳаракатларига оид шартлар мажмуи тушунилади.

Шартнома объекти турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлган вазият-

<sup>1</sup> “Фуқаролик ҳуқуқи” дарслик И.Закиров ва бошқалар 2-қисм 381-бет ТДЮИ-2008й.



ларда қарз шартномаси матнида ушбу ашёларга боғлиқ қуйидаги жиҳатлар кўрсатилиши лозим: 1) қайтариллиши лозим бўлган ашёларнинг номи ва миқдори; 2) ашёларнинг ассортименти, сифати ва туркуми (комплектлилиги); 3) ашёларнинг қарз берувчидан олинган ашёларга мувофиқлигини текшириш тартиби; 4) ашёларни қарз берувчига етказиб бериш; 5) қарз берувчига қайтарилган ашёлардаги нуқсонларни аниқлаш, уларни қайд этиш ва қарз берувчига эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Қарз олувчи қарз шартномаси бўйича умуман пул олмаслиги ёки шартномада кўрсатилган пулнинг бир қисмини олиши мумкин. Бундан ташқари қарздордан алдов йўли билан тилхат олиниши эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолларда қарздорни қарз берувчидан ҳимоя қилувчи восита шартнома бўйича пул берилмаган деб қарашдир.

Ушбу қоидаларни фуқаролик қонунчилигига киритишдан мақсад, қарз шартномасининг реал табиатга эга эканлиги билан изоҳланади. Қарз беришга нисбатан томонларнинг келишуви қандай бўлганлигидан қатъи назар, ҳуқуқий муносабатлар шартнома предмети қарз олувчига берилган тақдирдагина юзага келади ва шу вақтдан бошлаб қарздорнинг қарз берувчидан олган нарсаларини қайтариш мажбурияти келиб чиқади.

Қарз шартномаси бўйича пул берилмаган деб топилиши қарздорга бошқа ҳолларга нисбатан анча енгиллик туғдиради. Агар қарз шартномаси алдов, зўрлаш, кўрқитиш, ғаразли мақсадлар билан ёки оғир шароитларда тузилган бўлса ва мажбурий ёзма шаклга риоя қилинмаган бўлса, у ҳолда қарз олувчи қарз шартномасини бекор қилиш учун гувоҳ кўрсатмаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Қонунга кўра, қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас, шартнома алдаш, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, қарз олувчининг вакили қарз берувчи билан ёмон ниятда келишиши ёки қийин вазиятлар таъсирида тузилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъволашуви жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатан ҳам қарз берувчидан олинмаганлиги аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада кўрсатилганидан амалда кам миқдорда олган ҳолларда шартнома ана шу миқдордаги пул ёки ашёларга тузилган ҳисобланади.

Шунингдек, қонунда қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш тартиби ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра, қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, қарз муносабатларининг бир кўриниши сифатида қонунда аниқ мақсадли қарз назарда тутилган, унга кўра, агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда (аниқ мақсадли қарз) фойдаланиши шарт билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Қарз олувчи қарз шартномасининг қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланиш ҳақидаги шартларини бажармаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Бозор муносабатлари шароитида қарз ўзига хос ҳуқуқий муносабат сифатида қуйидаги функцияларни бажаради, яъни:

- ижтимоий ҳимоя функцияси қариндошлар, кадрдонлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади ва бундай шартноманинг текинга тузилиши, қарзни қайтариш узоқ муддатга мўлжалланганлиги, қарз берувчининг мақсади ёрдам кўрсатиш эканлиги билан эътиборга



лойик. Бунда қарз бериш орқали қарз олувчига иқтисодий ёрдам кўрсатиш билан ижтимоий химоя функцияси амалга оширилади;

- тадбиркорлик функциясини бажарганда қарз берувчининг мақсади муайян муддатга қайтариш шарти билан берган маблағи эвазига муайян фоиз олиш йўли билан фойда кўришдир. Қарз тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида банклар, корхона ва ташкилотлар, кредит муассасалари фаолиятида кенг қўлланилади;

- ўзаро ҳамкорлик функциясини бажарганда, қарз берувчининг мақсади фоиз олишга эмас, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қаратилади ва қарз берувчи тадбиркор кўрадиган фойдадан улуш олиши олдиндан белгиланади.

Қарз шартномасининг бозор муносабатлари шароитидаги хусусиятларини субъектлари доирасининг кенгайганлиги, предметида ўзига хос ўзгаришлар юз берганлиги, фоизлар тўланиши кенг йўлга қўйилганлиги, қўлланилиш соҳасининг кенгайганлиги ҳамда шакли ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар доирасининг белгиланганлиги билан боғлаш мумкин.

Ушбу мақола орқали ўрганилган масалалар юзасидан қуйидаги илмий хулосага келинди:

Мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқмалакатимизда бозор муносабатларининг тобора ривожланиб бораётганлиги кузатилди ва бу жараёнда қарз муносабатларининг қўлланилиш соҳаси ҳам кенгайди. Айниқса, бу ҳолатни, тадбиркорлик фаолияти соҳасида яққол кузатишимиз мумкин. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қарз шартномаси асосида олинган маблағларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириши орқали савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантирмоқда. Бугунги кунда қарз ҳам кредит шартномаси каби тадбиркорлик фаолияти учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг ўз фаолиятларида қарздан тўла-тўқис фойдланишларига айрим норматив ҳужжатлар тўсқинлик қилаётганлиги, бу эса ўз навбатида иқтисодий муомалада пул алмашинувининг сусайишига ва бошқа кўпгина салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг қарз муносабатларидаги иштирокини фаоллаштиришнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан // Халқ сўзи газ. 2019 й. 10 декабрь сони.

2. Фуқаролик ҳуқуқи дарслик И.Закиров ва бошқалар 2-қисм 381-бет ТДЮИ-2008й.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2018.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001й.

5. И.Насриев. Фуқаролик муносабатларини тартибга солиш-мамлакат тараққиёти сари яна бир муҳим қадам, <https:kun.uz/83484240/>, 00.33, 16.04.2019, Жамият.



## ЎЗБЕКИСТОНДА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ – ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ РОССИЯ ДАВЛАТИ МИСОЛИДА

Одашев Абдуллажон Одилжонович  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
Олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби магистри  
Тел: 93-428-18-15

**Аннотация:** Ушбу мақолада фуқаролик ишлари бўйича судларда низоларни ҳал қилишда судга тааллуқлилиқ ва судловга тегишлилик масалалари, низони қайси суд томонидан ҳал этилиши ва ҳуқуқий асослар, судга тааллуқлилиқ ва судловга тегишлилик жараёнидаги муаммолар ва ечимга йўналтирувчи тавсиялар мушоҳада қилинган.

**Калит сўзлар:** судга тааллуқлилиқ, судловга тегишлилик, умумюрисдикция судлари, ҳарбий ва ҳакамлик судларига тегишли ишлар, ҳуқуқий асос.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Судларда низоларни ҳал қилишда судга тааллуқлилиқ ва судловга тегишлилик масаласини ажратиб олиш муҳим саналади. Ҳаммамизга маълумки, судга тааллуқли низолар деганда, бу давлат органлари ёки судлар ўртасидаги, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, маъмурий ва иқтисодий суд, ҳарбий суд ҳамда жиноят ишлари бўйича судлар ўртасида низонинг қайси суд томонидан ҳал этилиши тушунилса, судловга тегишлилик эса бир сўз билан айтганда ягона суд тизими доирасидаги, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан ҳал қилинадиган ишлар тоифаси тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг V боби судга тааллуқлилиқ ва судловга тегишлилик деб номланиб, унга кўра, фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган низолар; ушбу Кодекснинг 293-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар; буйруқ тартибида ҳал этиладиган ишлар; ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар, чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли ҳисобланади.

Мазкур низолар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судловига тегишли ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ариза берувчи бўлган фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни, шунингдек қонун билан ўз ваколатига киритилган бошқа ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунда ўз ваколатига киритилган ишларни кўриб чиқади, шунингдек алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай ишни Ўзбекистон Республикасининг исталган судидан олишга ва уни биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилишга ёки ишни бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга



ҳақли.

Шу ўринда, Россия Федерациясининг 2002 йил 14 ноябрда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексига назар соладиган бўлсак, ушбу кодекснинг III бўлими судловга тегишлилик деб номалади ва ушбу бўлим ўз ичига 22-33<sup>1</sup>-моддаларни олади.

Демак, Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексига кўра фуқаролар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик, оилавий, меҳнат, уй-жой, ер, экологик ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар, алоҳида тартибда ҳал қилинган ишлар; ҳакамлик судлари қарорларига эътироз қилиш ва ҳакамлик судлари қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаларини бериш тўғрисидаги ишлар; чет эл судлари қарорларини ва ҳорижий давлатларнинг ҳакамлик қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги ишлар; федерал қонунларда назарда тутилган ҳолларда ҳакамлик судларига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ишлар; юридик шахсни ташкил этиш, уни бошқариш ёки ноижорат ташкилот бўлган юридик шахсда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корпоратив низолар тўғрисидаги ишлар, ноижорат ташкилотлари бундан мустасно.

Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексини ўрганиш давомида шунга гувоҳи бўлдимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига белгилаб қўйилган ўзаро боғлиқ бир нечта талабнинг судга тааллуқлилиги; фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг судловига тегишли ишлар; Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг судловига тегишли ишлар; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига тегишли ишлар; суднинг ўз иш юритишига қабул қилиб олган ишни бошқа судга ўтказиши; ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тартиби; судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари; даъвогарнинг танлови бўйича судловга тегишлилик; судловга тегишлиликнинг алоҳида ҳоллари; келишилган судловга тегишлилик; қарши даъвонинг судловга тегишлилиги; жиноят туфайли етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тегишлилик қоидалари Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексига ҳам ўз аксини топган.

Бироқ, Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексининг 22<sup>1</sup>-моддаси Арбитраж судига ўтказилиши керак бўлган низолар, ҳакамлик судига юбориш мумкин бўлмаган низолар алоҳида кўрсатилган.

Хусусан, оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган, шу жумладан, васий ва ҳомийларнинг мол-мулкига қарашли бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган низолар, меҳнат низолар, ирсий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар; Россия Федерациясининг давлат ва муниципал мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган низолар; давлат ва шаҳар эҳтиёжларини қондириш учун товарларни, ишларни, хизматларни сотиб олиш соҳасида Россия Федерацияси шартномалари тизими тўғрисидаги қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлардан келиб чиқадиган низолар; ҳаёт ва соғлиққа этказилган зарарни қоплаш; фуқароларни турар-жой биноларидан чиқариш тўғрисидаги низолар; атроф-муҳитга этказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлган низолар ҳакамлик судларида кўриб чиқилмайди ва бундай низолар фақат фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексига чет эл судларида, ҳарбий судлар ва бошқа ихтисослашган судларга тегишли фуқаровий низолар, шаҳар судларида кўриладиган низолар, Арбитраж судларда кўриладиган низолар, ҳакамлик судларида кўриладиган ва кўрилиши мумкин бўлмаган низолар алоҳида моддаси сифатида белгиланиб тўлиқ ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддасида умумий тартибда кўрсатиб ўтилган бўлиши баробарида ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар, чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик судига тааллуқли эканлигини кўрсатиш билангина чегараланган. Ваҳоланки, низоларнинг қайси тури айнан ҳакамлик судлари ва Арбитраж судларида кўрилиши мумкинлиги, қайси ҳолатда эса улар томонидан



низоларни ҳал этиш мумкин эмаслиги алоҳида очиб берилмаган. Бундан ташқари ҳарбий хизматчилар ва айрим ихтисослашган касб эгаларининг фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган низолари қайси ҳолатда ҳарбий судларда, қайси ҳолатларда фуқаролик судларида кўрилиши белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунида ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар белгиланган бўлса, 2021 йил 16 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонунида Арбитражнинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш, унинг устидан шикоят қилиш тартиби белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида уни кўриб чиқиш тартиби белгиланмаган. Ваҳоланки, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар Фуқаролик процессуал кодекси билан тартибга солинади.

Шундай экан, ҳориж давлатларнинг Фуқаролик процессуал қонунчилигини амалий қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини қуйидаги таҳрирдаги 26<sup>1</sup> ва 26<sup>2</sup>- моддалар билан тўлдиришни таклиф қиламан.

**Фуқаролик процессуал кодексини 26<sup>1</sup>-модда Ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар.**

Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, давлат ва муниципал мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги низолар; давлат ва шаҳар эҳтиёжларини қондириш учун товарларни, ишларни, хизматларни сотиб олиш соҳасида муносабатлардан келиб чиқадиган низолар; ҳаёт ва соғлиққа этказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар; фуқароларни турар-жой биноларидан чиқариш тўғрисидаги низолар; атроф-муҳитга этказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ низолар шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

**Фуқаролик процессуал кодексини 26<sup>2</sup>-модда Ҳарбий хизмат ходимларини зарарли касбда ишлаганлик фактини белгилаш.**

Ҳарбий хизматчиларнинг зарарли касбда ишлаганлик фактини белгилаш билан боғлиқ низолар фуқаролик судига тааллуқли низо ҳисобланмайди.

Мазкур талаб ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномаси // <http://uza.uz/posts/3329> 2020 й. 25 январь.

2. З.Н.Эсанова, Мамасиддиқов М.М., Д.Ю.Хабибуллаев. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2019. -250 б.

3. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари. Илмий-амалий қўлланма. 2020. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. Ўзбек тилида. Муаллифлар жамоаси.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001й.

5. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Т: ТДЮИ, 2010. – 534б.



## JINOYAT PROTSESIDA JABRLANUVCHILARNING HUQUQLARINI HIMOYA QILISHGA QARATILGAN XALQARO TAJRIBA

У.И.Бобоназаров

Бош прокуратура Академияси  
Магистратура тингловчиси  
Мутахасислик: “Тергов фаолияти”  
**Қахаров Фируз Элмуратович**  
Зарафшон ихтисослаштирилган  
прокуратура терговчиси

**Аннотация.** Мақоллада jinoyat protsesida jabrlanuvchilarning huquqlarini himoya qilishga doir chet el davlat (Avstrya, Bolgariya)larinig tajribalari o'rganiladi.

**Аннотация.** В статье исследуется опыт зарубежных стран (Австрии, Болгарии) по защите прав потерпевших в уголовном судопроизводстве.

**Annotation.** The article examines the experience of foreign countries (Austria, Bulgaria) in protecting the rights of victims in criminal proceedings.

**Kalit so'zlar:** jinoyat protsesining sudgacha bo'lgan qismi, jabrlanuvchining, jabrlanuvchining vakilining huquqlarini himoya qilish.

**Ключевые слова:** досудебное уголовное судопроизводство, защита прав потерпевшего, представитель потерпевшего.

**Keywords:** pre-trial criminal proceedings, protection of the rights of the victim, the victim's representative.

O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasida jinoyat qurbonlarining huquqlari qonun bilan himoyalangan<sup>1</sup>. Davlat jinoyat natijasidan jabrlanganlarga odil sudlovga erishish va moddiy zarar va ma'naviy zararni qoplash imkoniyatini beradi.

Ma'lumki, bugungi taraqqiyot bosqichida tinchlik va osoyishtalik hukm surgan, fuqarolarning erkin, farovon hayot kechirishlari uchun zarur shart-sharoitlar yaratilgan, inson manfaatlari ustun darajaga ko'tarilgan, ularni huquq va erkinliklarining asosiy kafolati sifatida qonun ustuvorligi ta'minlangan mamlakatda ezgu va xayrli ishlar amalga oshirilib kelinmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-iyuldagi Farmoni bilan bu sohadagi mavjud muammolarni bartaraf etish maqsadida sudlar faoliyatini yanada takomillashtirish, odil sudlov samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar belgilangan bo'lsa, 2020-yil 10-avgustdagi Farmon bilan sud-tergov faoliyatida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini yanada kuchaytirishga e'tibor qaratilib, "Inson manfaatlari hamma narsadan ustun" degan olijanob g'oyaning amaldagi ifodasi sifatida islohotlarning navbatdagi yangi bosqichi boshlab berildi<sup>2</sup>.

O'zbekiston Respublikasi jinoyat-protsessual qonunchiligida jinoyat qurboni bo'lgan shaxslar, jabrlanuvchilarning huquqlari va majburiyatlari keltirilgan bo'lib (55-modda. "Jabrlanuvchining huquq va majburiyatlari") jinoyat protsessining asosiy vazifasi sifatida aynan jabrlanuvchilarning huquqlarini himoya qilish belgilangan. Shu jumladan so'nggi yillarda mamlakatimizda shaxsning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish, uning sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilish, sud ishlarini yuritishning barcha bosqichlarida taraflarning tortishuv tamoyili qo'llanilishini yanada kengaytirish hamda ushbu sohada xalqaro standartlar va ilg'or xorijiy tajribani joriy etishga qaratilgan bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi.

Shu bilan birga, sud-tergov amaliyotini tahlil qilish va fuqarolar murojaatlarini o'rganish natijalari jinoyat protsessida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta'minlash bo'yicha mexanizmlar to'liq ishga solinmaganligidan, shuningdek, qonunchilikda

<sup>1</sup> <https://constitution.uz/oz>, 26 – modda.

<sup>2</sup> <https://yuz.uz/uz/news/sud-tergov-faoliyatida-shaxsning-huquq-va-erkinliklarini-himoya-qilish-kafolat-lari-yanada-kuchaytiriladi>.



jinoyat ishlarini tergov qilish bo'yicha huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vakolatlarini aniq belgilash bilan bog'liq bo'shliqlar mavjudligidan dalolat bermoqda<sup>1</sup>.

Mamlakatimizda jinoyat ishlarini tergov qilish faoliyatini xalqaro standartlar va ilg'or xorijiy tajribani inobatga olgan holda yaxshilash, qonun ustuvorligi va javobgarlikning muqarrarligi printsiplarini ro'yobga chiqarish, jinoyat-protsessual qonunchiligini yanada takomillashtirish, shuningdek, 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi<sup>2</sup>da belgilangan vazifalarni izchil amalga oshirish maqsadida bir qator chora-tadbirlar belgilandi.

Shu munosabat bilan jabrlanuvchilarning huquqlari va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan ilg'or xalqaro tajriba milliy qonunchiligimiz uchun juda zarur hisoblanadi.

Stokgolm dasturiga ko'ra, jinoyat qurbonlari aniq ko'rsatilgan. 2.3.4-bandalar, ushbu turdagi jabrlanuvchilar ayniqsa zaif, shuning uchun davlat tomonidan maxsus qo'llab-quvvatlashga va huquqiy himoyaga muhtojligini ta'kidlaydi<sup>3</sup>. Bundan tashqari, Yevropa Ittifoqi (YI) asosiy maqsad "Yevropa bo'ylab millionlab jinoyat qurbonlarining haqiqiy, kundalik holatini iloji boricha yaxshilash" jabrlanganlarning huquqlarini himoya qilishga qaratilgan chora-tadbirlarni o'z ichiga olgan edi yo'riqnoma ishlab chiqdi.

**Avstriya.** Avstriya fuqarolari va Yevropa Ittifoqi mamlakatlari, shuningdek Norvegiya, Lixtenshteyn va Islandiyada mamlakatlarining fuqarolarini yoki fuqaroligiga ega bo'lmagan shaxslarning huquqlarini qonun bilan himo qiladi. Jabrlanuvchi xizmatlarga yuridik maslahat va vakillik, pullik kompensatsiyasidan bepul foydalanish kiradi. Pul kompensatsiyasi cheklangan va faqat og'ir jinoyatlar qurbonlari uchun mavjud, bu jinoyatchi kamida olti oylik qamoq jazosini o'taydigan jinoyatlar deb ta'riflanadi. Kompensatsiya sudlangan jinoyatchilarga solinadigan jarimalar va boshqa manbalar hisobiga moliyalashtiriladi<sup>4</sup>.

Avstriya Jinoyatchilik qurbonlari to'g'risidagi direktivani (2012/29/EU direktivasi) imzolagan bo'lsa-da, uni o'z hududida talqin qilishga unchalik ahamiyat berilmasligini hisobga olib, u to'la darajada bajarilmagan. Arizalar, telefon qo'ng'iroqlari yoki elektron pochta xabarlarini ingliz yoki nemis tillarida amalga oshirilishi kerak, bu jinoyat qurbonlariga xizmatlardan to'liq foydalanish yoki elchixonaga yoki konsullik yordamisiz o'z huquqlarini tushunishga to'sqinlik qilishi mumkin. Direktivaning bajarilmagan shartlaridan biri bu faqat Avstriya fuqarolariga beriladigan imtiyozlarni o'z ichiga oladi. Avstriya fuqarolari, agar ular boshqa mamlakatda jarohat olishgan bo'lsa ham, jinoyat qurboni bo'lgan taqdirda tovon puli olish huquqiga ega, faqat Avstriya fuqarolari uchun qo'shimcha himoya<sup>5</sup>. YIga tegishli bo'lmagan fuqarolar Avstriyadagi davlat tomonidan kamroq himoyaga ega va uning o'rniga jinoyatchilik qurbonlari uchun xizmat ko'rsatuvchi NFP tashkiloti bo'lgan Weisseringga zid ravishda ishonishlari kerak. Weisseringning cheklangan resurslari (faqat qisman hukumat tomonidan moliyalashtiriladi, asosan xayr-ehsonlarga bog'liq) tufayli kompensatsiya so'ragan har qanday jabrlanuvchi har bir holat bo'yicha sinovdan o'tkaziladi va baholanadi. Ba'zi hollarda shoshilinch yordam ko'rsatilishi mumkin<sup>6</sup>.

**Bolgariya.** Bolgariyaning jinoyat qurbonlarining huquqlarini himoya qilish va qo'llab-quvvatlashga qaratilgan urinishlari, odatda, "yuzaki" hisoblanadi. Jabrlanuvchilar jinoiy sud ishlarida guvoh, advokat yordami bilan javobgar yoki da'vogar sifatida qatnashish huquqiga ega bo'lib. Bundan tashqari, qonunchilik politsiya o'z ishlarini hal qilishda guvohlarni tekshirish paytida himoyasiz guvohlarni (masalan, bolalar, jinsiy jinoyatlar qurbonlari) himoya qilishni ta'minlaydi<sup>7</sup>. Yaqinda o'tkazilgan Xalqaro Jinoyatlar Qurbonlari So'rovi (ICVS) shuni ko'rsatadiki, qurbonlarning atigi 40% politsiyaning o'z masalalarini hal qilish uslubidan mamnunligini va

<sup>1</sup> "Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risi"dagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni.

<sup>2</sup> 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha HARAKATLAR STRATEGIYASI.

<sup>3</sup> European Commission, retrieved July 8, 2015, Stockholm Programme: Sect. 2.3.4[permanent dead link]

<sup>4</sup> Victim Compensation Programs: Austria". www.ncjrs.gov. Archived from the original on 2017-05-25. Retrieved 2016-07-13.

<sup>5</sup> "National events to mark European Day for Victims of Crime – Victim Support Europe, the voice of victims in europe". 16 February 2016.

<sup>6</sup> "Victim Compensation Programs: Austria". www.ncjrs.gov. Archived from the original on 2017-05-25. Retrieved 2016-07-13.

<sup>7</sup> The Victimologist, retrieved July 8, 2015



undan roziligini ko'rsatishgan.

Bolgariyada jabrlanuvchilarning huquqlarini himoya qilish borasida ziddiyatli fikrlar hukmron bo'lib, Garbiy Yevropa mamlakatlariga qaraganda ancha orqada hisoblanadi. Chunki Yevropa odil sudiga Inson huquqlari to'g'risidagi konvensiyani buzganligi uchun bir qator arizalar bilan murojaat qilinganligi buning isboti. ICJ Bolgariyada 14 yoshli zo'rlangan jabrlanuvchilarning huquqlari buzilganligi yuzasidan o'zining xulosasida ushbu davlatga qarshi salbiy qaror chiqargani ham sir emas<sup>1</sup>.

Yaqinda Qo'mita hisobotida Ayollarga nisbatan kamsitilishning barcha shakllarini yo'q qilish to'g'risidagi Konvensiyani (CEDAW) bir qator qonun buzish holatlarini aniqlagan<sup>2</sup>. Hisobotda Bolgariya jinsiy huquqbuzarliklardan jabrlanganlar uchun etarli miqdorda tovon puli to'lamaganligi va qonunlarni ishlab chiqishda gender stereotiplariga ishonganligi tanqid qilindi. Bundan tashqari, Odam savdosi to'g'risidagi qonunlarga oid muammolar

Yaqinda bo'lib o'tgan Odam savdosiga qarshi kurash bo'yicha Yevropa Kengashi, odam savdosi qurbonlari bo'lgan kattalar orasida hech kim Bolgariya hukumatidan hech qanday yordam olmaganligini aniqladi<sup>3</sup>. Buning asosiy sababi odam savdosi bo'yicha qonunchilik bazasi atrofidagi o'ziga xoslik va noaniqlikdan kelib chiqqan ko'rinadi. Birinchidan, u ikkita alohida ta'rifga ega: biri xatti-harakatni jinoiy javobgarlikka tortish va boshqalari jabrlanganlarni aniqlash, ya'ni cheklovlar, shuning uchun jinoiy sud jarayoni uchun jabrlanuvchi deb hisoblanishi mumkin, ammo himoyalash xizmatlari va tovon puli masalasida "jabrlanuvchi" ta'rifidan tashqarida. Ikkinchidan, Bolgariya qonunchiligi faqat Bolgariya kelib chiqishi mamlakati bo'lgan nuqtai nazardan ishlaydi, ya'ni odam savdosi Bolgariya fuqarolarini boshqa mamlakatlarga ko'chirishni nazarda tutadi. [32] Natijada, Bolgariya hududida bo'lgan, lekin Yevropa Ittifoqi fuqarosi bo'lmagan jabrdiydalar qonunchilikdagi bo'shliqlar tufayli tushib qolishi mumkin.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. "Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risi"dagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni.
2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha HARA KATLAR STRATEGIYASI.
3. Victim Compensation Programs: Austria". www.ncjrs.gov. Archived from the original on 2017-05-25. Retrieved 2016-07-13.
4. "National events to mark European Day for Victims of Crime – Victim Support Europe, the voice of victims in europe". 16 February 2016.
5. "Victim Compensation Programs: Austria". www.ncjrs.gov. Archived from the original on 2017-05-25. Retrieved 2016-07-13.
6. The Victimologist, retrieved July 8, 2015
7. "Extending the reach of human rights to encompass victims of rape: M.C. v Bulgaria. Application no. 39272/98", Feminist Legal Studies, Feminist Legal Studies, 13, pp. 145–157
8. "Failure to provide effective protection against rape and sexual assault violated CEDAW (V.P.P. v. Bulgaria)", CEDAW, Simone Cusack, 2013-04-21, retrieved July 8, 2015.
9. Stoyanova, Vladislava (2013), "The crisis of a legal framework: protection of victims of human trafficking in Bulgarian legislation", *The International Journal of Human Rights*, 17 (5–6): 668–688,

<sup>1</sup> "Extending the reach of human rights to encompass victims of rape: M.C. v Bulgaria. Application no. 39272/98", *Feminist Legal Studies*, *Feminist Legal Studies*, 13, pp. 145–157

<sup>2</sup> "Failure to provide effective protection against rape and sexual assault violated CEDAW (V.P.P. v. Bulgaria)", CEDAW, Simone Cusack, 2013-04-21, retrieved July 8, 2015.

<sup>3</sup> Stoyanova, Vladislava (2013), "The crisis of a legal framework: protection of victims of human trafficking in Bulgarian legislation", *The International Journal of Human Rights*, 17 (5–6): 668–688,



## XORVATIYA VA DANIYA DAVLATLARIDA JABRLANUVCHILARNI HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AMALIYOTI

У.И.Бобоназаров

Бош прокуратура Академияси

Магистратура тингловчиси

Мутахассислик: “Тергов фаолияти”

Қахаров Фируз Элмуратович

Зарафшон ихтисослаштирилган

прокуратура терговчиси

**Annotatsiya.** Maqolada jinoyat protsesida jabrlanuvchilarning huquqlarini himoya qilishga doir chet el davlat (Xorvatiya, Daniya)larinig tajribalari o'rganiladi.

**Аннотация.** В статье исследуется опыт зарубежных стран (Хорватии, Дании) по защите прав потерпевших в уголовном судопроизводстве.

**Annotation.** The article examines the experience of foreign countries (Croatia, Denmark) in protecting the rights of victims in criminal proceedings.

**Kalit so'zlar:** jinoyat protsesining sudgacha bo'lgan qismi, jabrlanuvchining, jabrlanuvchining vakilining huquqlarini himoya qilish.

**Ключевые слова:** досудебное уголовное судопроизводство, защита прав потерпевшего, представитель потерпевшего.

**Keywords:** pre-trial criminal proceedings, protection of the rights of the victim, the victim's representative.

Davlat jinoyat natijasidan jabrlanganlarga odil sudlovga erishish va moddiy zarar va ma'naviy zararni qoplash imkoniyatini beradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-iyuldagi Farmoni bilan bu sohadagi mavjud muammolarni bartaraf etish maqsadida sudlar faoliyatini yanada takomillashtirish, odil sudlov samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar belgilangan bo'lsa, 2020-yil 10-avgustdagi Farmon bilan sud-tergov faoliyatida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini yanada kuchaytirishga e'tibor qaratilib, "Inson manfaatlarini hamma narsadan ustun" degan olijanob g'oyaning amaldagi ifodasi sifatida islohotlarning navbatdagi yangi bosqichi boshlab berildi<sup>1</sup>.

Ma'lumki, bugungi taraqqiyot bosqichida tinchlik va osoyishtalik hukm surgan, fuqarolarning erkin, farovon hayot kechirishlari uchun zarur shart-sharoitlar yaratilgan, inson manfaatlarini ustun darajaga ko'tarilgan, ularni huquq va erkinliklarining asosiy kafolati sifatida qonun ustuvorligi ta'minlangan mamlakatda ezgu va xayrli ishlar amalga oshirilib kelinmoqda.

O'zbekiston Respublikasi jinoyat-protsessual qonunchiligida jinoyat qurboni bo'lgan shaxslar, jabrlanuvchilarning huquqlari va majburiyatlari keltirilgan bo'lib (55-modda. "Jabrlanuvchining huquq va majburiyatlari") jinoyat protsessining asosiy vazifasi sifatida aynan jabrlanuvchilarning huquqlarini himoya qilish belgilangan. Shu jumladan so'nggi yillarda mamlakatimizda shaxsning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish, uning sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilish, sud ishlarini yuritishning barcha bosqichlarida taraflarning tortishuv tamoyili qo'llanilishini yanada kengaytirish hamda ushbu sohada xalqaro standartlar va ilg'or xorijiy tajribani joriy etishga qaratilgan bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi.

Shu bilan birga, sud-tergov amaliyotini tahlil qilish va fuqarolar murojaatlarini o'rganish natijalari jinoyat protsessida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta'minlash bo'yicha mexanizmlar to'liq ishga solinmaganligidan, shuningdek, qonunchilikda jinoyat ishlarini tergov qilish bo'yicha huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vakolatlarini aniq belgilash bilan bog'liq bo'shliqlar mavjudligidan dalolat bermoqda<sup>2</sup>.

Mamlakatimizda jinoyat ishlarini tergov qilish faoliyatini xalqaro standartlar va ilg'or xorijiy

<sup>1</sup> <https://yuz.uz/uz/news/sud-tergov-faoliyatida-shaxsning-huquq-va-erkinliklarini-himoya-qilish-kafolat-lari-yanada-kuchaytiriladi>.

<sup>2</sup> "Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risi"dagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni.



tajribani inobatga olgan holda yaxshilash, qonun ustuvorligi va javobgarlikning muqarrarligi printsiplarini ro'yobga chiqarish, jinoyat-protsessual qonunchiligini yanada takomillashtirish, shuningdek, 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi<sup>1</sup>da belgilangan vazifalarni izchil amalga oshirish maqsadida bir qator chora – tadbirlar belgilandi.

Shu munosabat bilan jabrlanuvchilarning huquqlari va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan ilg'or xalqaro tajriba milliy qonunchiligimiz uchun juda zarur hisoblanadi.

**Xorvatiya.** Xorvatiya 2004 yilda Yevropa Ittifoqiga nomzod bo'lganidan beri Xorvatiyada jinoyat qurbonlarining huquqlari tobora yaxshilanib bormoqda. Ularning Yevropa Ittifoqiga a'zo bo'lish istagi natijasida ularning jinoiy adliya tizimiga nisbatan ba'zi old shartlar bajarilishi kerak edi. Xorvatiya ushbu shartlarni bajarish uchun jinoiy adliya tizimida jabrlanuvchilarning huquqlari bilan bog'liq o'zgarishlarni boshladi. Hukumat boshlagan o'zgarish Guvohlarni va harbiy jinoyatlar bo'yicha sud jarayonlarining boshqa ishtirokchilarini qo'llab-quvvatlash departamenti shaklida bo'lgan (2005)<sup>2</sup>.

Qonunchilik darajasida Jinoyat-protsessual qonuni (2008 - yil) jabrlanuvchilarning huquqlarini oshirdi va jabrlanuvchilarni guvoh va jinoyat qurbonlari kabi tomonlarda tashqari sudda alohida shaxs sifatida tan oldi. Ushbu huquqlarga “jinoiy huquqbuzarliklardan jabrlanganlarga yordam berish uchun hokimiyat, tashkilot yoki muassasadan samarali psixologik va boshqa ekspert yordamini olish huquqi” va “davlat jamg'armasidan moddiy va ma'naviy zararni qoplash huquqi” kiradi<sup>3</sup>.

2008 yilda “Jinoyatlar qurbonlarining zararlarini qoplash to'g'risida” gi qonun ham qabul qilindi. Ushbu harakat Xorvatiya fuqarolari uchun jinoyat natijasida jiddiy zarar yetkazilsa tovon puli olish imkoniyatiga olib keldi<sup>4</sup>.

Xorvatiyaning progressiv pozitsiyasini yaqinda 1991-1995 yillardagi Mustaqillik urushi paytida sodir etilgan jinoyat qurbonlariga tovon puli to'lash to'g'risidagi qonunlarning kiritilishi misolida ko'rsatish mumkin. Ushbu jabrlanganlarga tovon puli to'lash uchun qilingan harakat, Birlashgan Millatlar Tashkiloti Xavfsizlik Kengashining 2008 yildagi rezolyutsiyasini zo'rlash harbiy jinoyat deb qaralishi mumkinligi to'g'risida qaror qabul qilinganligini ko'rsatadi. Xorvatiya parlamenti “Jinoyatlar qurbonlarini kompensatsiya qilish to'g'risida” gi qonunga muvofiq, 2015 yilda Mustaqillik urushida sodir etilgan zo'rlash qurbonlarini mukofotlash to'g'risidagi qonunlarni qabul qildi. Ushbu kompensatsiya bir martalik to'lov shaklida, oylik nafaqa va bepul terapiya, tibbiy va yuridik xizmatlardan foydalanish huquqi bilan ta'minlandi<sup>5</sup>.

**Daniya.** Daniyada jinoyatlar qurbonlari jinoiy sud jarayonida ularni boshqarish uchun bir qator xizmatlardan va qo'llab-quvvatlash mexanizmlaridan foydalanishlari mumkin. Ushbu xizmatlar va qo'llab-quvvatlash mexanizmlari xalqaro qonunlar emas, balki ichki qonunchilik orqali amalga oshiriladi<sup>6</sup>.

Daniya jinoyat qurbonlari to'g'risidagi qonun bilan bog'liq munozarali masala - qurbonlarning huquqlari bo'yicha Yevropa Ittifoqining ko'rsatmalariga imzo chekmaslik to'g'risidagi qaror hisoblanadi. Jabrlanganlar uchun Yevropa Ittifoqi qonunchiligining eng ta'sirli moddalaridan biri qurbonlarning huquqlari uchun minimal standartlarni belgilaydigan 2012/29 / EU direktivasini tashkil etadi. Biroq, Daniya uni imzolamaganligi sababli, ular direktivani bajarishi shart emas.

Ushbu qarorga qaramay, Daniya hali ham ichki qonunchilikda Jabrlanganlarning huquqlari bo'yicha nisbatan yuqori standartlarga ega bo'lib, 2005 yilgi Jabrlanuvchilarga kompensatsiya berish to'g'risidagi qonunda Daniya va chet el fuqarolari hamda Daniya tashqarisida yashovchi Daniya fuqarolari jiddiy zarar ko'rgan jinoyat qurbonlari uchun tovon puli olish imkoniyatini

<sup>1</sup> 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha HARA-KAT-LAR STRATEGIYASI.

<sup>2</sup> “Jasmina Mujkanović, “Development of a Witness and Victim Support System”, UNDP Regional Centre for Europe and the CIS, United Nations Development Programme, 2014”

<sup>3</sup> “Jasmina Mujkanović, “Development of a Witness and Victim Support System”, UNDP Regional Centre for Europe and the CIS, United Nations Development Programme, 2014, p.30, retrieved July 8, 2015”

<sup>4</sup> “Jasmina Mujkanović, “Development of a Witness and Victim Support System”, UNDP Regional Centre for Europe and the CIS, United Nations Development Programme, 2014”

<sup>5</sup> “OHCHR - Human Rights Committee considers report of Croatia”. www.ohchr.org.

<sup>6</sup> “EU Justicia :: Welcome”. eujusticia.net. Retrieved 2016-07-13.



beradi<sup>1</sup>. Daniya politsiyasi ishlatilgan tildan qat'i nazar, har qanday jinoiy xabarni qabul qilishi shart. Daniya hududida jinoyatlar qurbonlari uchun tovon puli keng doirada amalga oshiriladi. Og'ir jarohat olganlarga va qotillik qurbonlarining qaramog'ida bo'lganlarga tovon puli berilishi mumkin. Tibbiy xarajatlar va daromadni yo'qotish uchun chegara yo'q, boshqa kompensatsiya turlari (kompensatsiya qilinadigan xarajatlar) 1000 Daniya Kroni miqdorida qoplanadi va kompensatsiya kengashi tomonidan hal qilinadi. Kompensatsiya uchun barcha arizalar uchun ikki yillik muddat qo'llaniladi.

Daniya tarkibidagi jinoyatlar qurbonlarini qo'llab-quvvatlovchi boshqa xizmatlar orasida zo'ravonlik jinoyati uchun bepul yuridik yordam va jinsiy tajovuzdan jabrlanganlarga avtomatik ravishda bepul yuridik yordam ko'rsatiladi. Boshqa barcha jinoyatlar uchun sud iqtisodiy vaziyat va zarurat asosida bepul yuridik xizmatlar to'g'risida qaror qabul qiladi. Bundan tashqari, tizimga kelgan har bir jabrlanuvchi tarjimonga, shuningdek jabrlanuvchining asosiy tushunadigan tilidan huquqiy hujjatlarni bepul tarjima qilishga haqlidir. Bundan tashqari, jabrlanganlarni qo'llab-quvvatlash xizmatlari barcha fuqarolar uchun hech qanday jinoyat sodir etilmaganligi yoki jinoiy ish qo'zg'atilmagan holatlarda ham foydalanishlari mumkin.

Xulosa o'rnida aytadigan bo'lsak, jabrlanuvchilarning huquqlari jinoyat protsesining barcha bosqichlarida qonuniy va adolatli himoya qilinmog'i lozim.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. "Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risi"dagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni.
2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha HARAKATLAR STRATEGIYASI.
3. "Victim Compensation Programs: Austria". [www.ncjrs.gov](http://www.ncjrs.gov). Archived from the original on 2017-05-25. Retrieved 2016-07-13.
4. "National events to mark European Day for Victims of Crime – Victim Support Europe, the voice of victims in europe". 16 February 2016.
5. "Victim Compensation Programs: Austria". [www.ncjrs.gov](http://www.ncjrs.gov). Archived from the original on 2017-05-25. Retrieved 2016-07-13.
6. The Victimologist, retrieved July 8, 2015
7. "Extending the reach of human rights to encompass victims of rape: M.C. v Bulgaria. Application no. 39272/98", Feminist Legal Studies, Feminist Legal Studies, 13, pp. 145–157
8. "Failure to provide effective protection against rape and sexual assault violated CEDAW (V.P.P. v. Bulgaria)", CEDAW, Simone Cusack, 2013-04-21, retrieved July 8, 2015.
9. Stoyanova, Vladislava (2013), "The crisis of a legal framework: protection of victims of human trafficking in Bulgarian legislation", The International Journal of Human Rights, 17 (5–6): 668–688,

<sup>1</sup> "Compensation to Crime Victims – Denmark" (PDF). Archived from the original.



## НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШДА МЕДИАТИВ КЕЛИШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

**Жумабаев Руслан Тажимуратович**  
Судьялар Олий мактаби тингловчиси  
Телефон +998913789988

**Аннотация:** Никоҳ оилани ташкил ва мустаҳкамлашнинг асоси бўлиб, авваламбор, болалар тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тарбия ўчоғидир. Шунинг учун ҳам қонуний тузилган никоҳдан давлат манфаатдор бўлиб, ундан ажралиш жамият манфаатларига салбий таъсир кўрсатади. Оилада, оилавий муносабатлар қанчалик тўғри йўлга қўйилган бўлса, унинг шунчалик мустаҳкам бўлиши, бу ўз навбатида, жамиятни ҳам мустаҳкамланишига ўз таъсирини кўрсатиши амалиётда синовдан ўтган омиллардандир.

**Калит сўзлар:** Никоҳдан ажралиш, медиатив келишув, Оила кодекси, никоҳ тузиш, оилавий ажримлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлашга қаратилган тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Амалдаги Оила Кодексида никоҳ тушунчасига тариф берилмайди. Шу сабабли мазкур тушунчанинг таърифини никоҳнинг ҳуқуқий табиати, қонунчиликда унга нисбатан белгиланган қоидалар ҳамма эркак ва аёлнинг ўзаро истак хоҳиши натижаси сифатидаги келишув эканлигидан келиб чиқиб, унга нисбатан қуйидаги умумэтироф этилган таъриф берилган:

Никоҳ (арабча сўздан олинган бўлиб, қўшилиш деган маънони англатади) – бу фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузиладиган, ўзаро муҳаббат ва ҳурматга, ўзаро ёрдамга ва бир-бирининг олдида жавобгарликка асосланган эркак ва аёлнинг иттифоқидир.

Никоҳ тушунчасига таъриф бериладиган бўлса “никоҳ-эркак ва аёлнинг тенглиги ва ўзаро розилиги асосида мулкӣ ва шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар олган ихтиёрий келишувидир”.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар Оила қонунчилиги нормаларида белгиланган никоҳ тузиш шартларига қўйиладиган талабларнинг бузилиши сифатида намоён бўлади.

Никоҳ тузиш шартларига монелик қиладиган ҳолатларни эътиборга олмаслик тузилган никоҳнинг ҳақиқий саналмаслигига асос бўлади. Бу қоида Оила кодексининг 16-моддасида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

-лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

-насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

-лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмаслиги нормаланади.

Ислом ҳуқуқида ҳам никоҳга монелик қиладиган ҳолатларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан никоҳга киришувчи шахсларга нисбатан белгиланган шартлар исломнинг классик манбалари, фикҳий асарлардан Ҳидоя, Фатовои Қозихон, Хулосат ал-фатово, Тухфат ал-фуқаҳо китобларида келтирилган.

Бугунги кунда биз оилани қанчалик даражада муқаддас деб билмайлик, давлатимиз томонидан оилани мустаҳкамлаш йўлида, ажримларни олдини олиш мақсадида бир қатор чора тадбирлар амалга оширилган ва ошириляётганлигига қарамасдан афсуски ажралишлар сони юқориликча қолмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон).



Суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, судлар томонидан кўриб чиқилган оилавий низоларнинг аксарият қисмини ёш оилалар ташкил қилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири, ёшларга жамоатчилик томонидан ўз вақтида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги бўлиб ҳисобланмоқда.

Ачинарлиси, никоҳ бекор қилинар экан унинг қийинчиликлари асосан аёлнинг зиммасига тушади. Чунки, аксар ҳолларда у яшаб турган уйдан болалари билан чиқиб кетиши ҳамда ўзи ва болаларнинг таъминотини ўйлашга мажбур бўлади.

Оилавий ажримларнинг сабабларини турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Бунга уй-жой масаласи, ишсизлик, моддий етишмовчилик, ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр бўлмасдан оила қуриши, эр ёки хотиннинг ишлаш учун бошқа мамлакатларга кетиб қолиши, оилада маънавий-ахлоқий муҳитнинг ёмонлиги, оилага ташқаридан бошқа шахсларнинг аралашуви сабаб бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолатларда ажримларга сабаб қилиб ёшларнинг бир-бирини тушуна олмаслиги, ҳаётга, оила масаласига енгил қарashiда ҳам ифодаланади.

Эр-хотиннинг никоҳ муносабатларига киришганидан сўнг қуйидаги муаммолар келиб чиқаётганлигини кўрсатиб ўтиш лозим:

- никоҳ қайд этилишидан аввал ёш оиланинг яшайдиган манзили аниқ эмаслиги;
- никоҳдан ажратилганда фарзандлар ва хотиннинг турар жой билан таъминланмаслиги;
- никоҳ қайд этилгач, хотиннинг яшаш манзилга рўйхатга қўйилмаслиги;
- фамилия ўзгаргани сабабли янги паспорт олганда доимий рўйхатга қўйиладиган манзили ҳам ўзгартирилмаслиги;
- болалар учун алиментлар мажбурий ундирилиш механизми жорий қилинмаганлиги;
- алимент миқдори боланинг ҳаёт кечириши, таълим олиши учун етарли эмаслиги;
- Қонунчилигимизда никоҳдан ажратиш учун талаб қўйишда келтириладиган асослар нисбатан аниқ кўрсатилганмаганлиги;
- никоҳга киришишдан олдин никоҳ шартномасини тузилмаслиги.

Фуқаролар томонидан оила ва никоҳ муносабатларига киришиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари орқали уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан, имтиёزلардан фойдаланиш, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида, судьялар ва бошқа масъул идоралар ходимлари томонидан эса амалдаги қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашда муайян хато ва камчиликлар ҳам учрамоқда.

Бунга сабаб қонунчилигида никоҳдан ажратиш ишларини кўришда тарафларга ярашиб олишлари учун муддат тайинлаш, никоҳдан ажратишни рад қилиш, никоҳдан ажратишни қаноатлантириш асослари очиб ёритиб берилмаганлигида кўриш мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг талабларига кўра, суд томонидан тайинланадиган “яраштириш муддати” жуда катта аҳамиятга эгаллигига ҳар доим ҳам жиддий аҳамият бермаётгандекмиз. Шунинг учун, никоҳдан ажратиш ишлари бўйича ишларни кўриш вақтида тарафларга яраштириш муддатини берилганидан кейин жамоатчилик томонидан эътиборни кучайтириш лозимдир.

Айрим фуқаролар эса қонуний никоҳларидан асослар бўла туриб ҳам ажраша олмаганлиги сабабли бошқа фуқаролар билан қонуний никоҳсиз яшай бошлайди, натижада эса шаръий никоҳга киришган аёлларнинг фарзандларига насл-насаб белгилаб туғилганлик гувоҳномаларини олиш, алимент, мол-мулк, уй-жойга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошира олмаслигига сабаб бўлади.

Медиация институтининг жорий қилиниши жамиятимиз учун янги ҳодиса бўлди.

“Медиация тўғрисида” 2018 йил 3 июль куни Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди<sup>1</sup>.

Қонунни ривожлантириш тарихида Вавилон, Қадимий Греция ва Қадимий Римда медиацияни қўллаш қайд этилган. Рим ҳуқуқида Юстиниан кодексидан бошлаб (милоддан аввалги VI аср) баҳс-мунозараларни ҳал қилиш учун воситачилик тан олинган. Медиация технологияси асосан савдода қўлланилган. Римликлар баҳс-мунозараларни ҳал қилувчи мутахассисларни «medium»-«воситачи» сўзи билан ифодалашган. Воситачиларга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Уларни дохийлар ва рухонийлар билан бир қаторга қўйишган. Замонавий тушунчаларда медиация XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ, Австралия

<sup>1</sup> Медиация тўғрисидаги қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон; 30.07.2019 й., 03/19/551/3493-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон.



ва Буюк Британияда ривожлана бошлаган. Европада медиаторлар оилавий мунозараларни ҳал қилишга жалб қилинган.

Кўп асрлар давомида медиация давлатлараро алоқаларда, оилалар, қўшнилар, сиёсий партиялар, профессионал, диний ва бошқа жамоатчилик гуруҳлари ўртасида ва парламентда юзага келадиган низоларни баратараф этишда муваффақиятли қўлланилди.

“Медиация” сўзи лотин тилидаги «mediare» сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилиш, келиштириш мақсадида аралашин деган маъноларини билдиради. Шунинг учун юридик адабиётларда медиация ва воситачилик тушунчалари синоним ҳисобланади.

Медиациянинг мақсади низо иштирокчиларининг ўз келишмовчиликларини мустақил ҳал қилиш лаёқатига, ўзаро талабларини қондиришга ва ҳар икки тараф учун баравар фойдали бўлган келишувга эришишларига кўмаклашишда намоён бўлади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни ҳал қилишда медиациядан фойдаланиш шуниси билан ҳам муҳимки яраштирув жараёни осонроқ кечиши, кўзланган бош мақсадга осонроқ эришиш мумкин.

“Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига асосан медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади. Шу қонунинг 15-модда 1-қисмига асосан медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади<sup>1</sup>.

Никоҳдан ажратишни рад қилиш судларда ўз-ўзидан никоҳдан ажратиш ишларини сонини сунъий тарзда ошишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолатни олдини олиш мақсадида куйидагиларни таклиф қиламиз:

Фикримизча, никоҳдан ажратиш тўғрисида фуқаролар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидаги яраштирув комиссияларига мурожаат қилиб, яраштирув комиссияларининг ҳулосасини олганидан сўнггина судга мурожаат қилиши ёки медиаторлар томонидан тарафларни муроасага келтириш бўйича ишлар натижа бермагандагина никоҳдан ажратиш тўғрисида судларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 39-моддасини 2-қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз:

-“Эр-хотинни никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаби бўйича фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органидаги яраштирув комиссиялари ҳулосаси ёки медиация келишуви олинмаган бўлса иш қўзғатишга ҳақли эмас”.

Юқоридаги келтирилганлардан келиб чиқиб, судларда никоҳдан ажратиш ишларини қонуний ва сифатли кўришда, судлар томонидан суд статистикасини сунъий тарзда ошиб боришига йўл қўймаслик ва судьялар томонидан амалиётни бирхиллаштириш, фуқароларни судларга эътирозлари кўпайишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаш, никоҳдан ажратишни рад қилиш, никоҳдан ажратишни қаноатлантириш асосларини ҳам конкретлаштириш лозим бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Тошкент ”Адолат” 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон).
3. Медиация тўғрисидаги қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й.,
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февральдаги “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳукуқини таъминлаш тўғрисида”ги 4-сонли қарори. Lex.Uz.

<sup>1</sup> Медиация тўғрисидаги қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон; 30.07.2019 й., 03/19/551/3493-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон.



## РАЗВИТИЕ ЮВЕНАЛЬНОЙ ЮСТИЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И В МИРЕ.

**Караманова Беназир,**

Студент Ташкентского государственного  
юридического университета, факультета

Уголовное правосудие

benazirkaramanova@gmail.com

**Аннотация.** В статье описывается развитие ювенальной юстиции в Узбекистане. Сравняется опыт зарубежных стран по производстве по делам несовершеннолетних.

**Annotation.** The article describes the development of juvenile justice in Uzbekistan. The experience of foreign countries in juvenile proceedings is compared.

**Ключевые слова.** Ювенальная юстиция, ювенальный кодекс, ювенальная дивергенция, ресоциализация, медиация, статистика, правосудие, пенализация.

**Key words.** Juvenile justice, Juvenile Code, juvenile divergence, resocialization, mediation, statistics, justice, penalization.

Республика Узбекистан, став полноправным членом ООН присоединилась к более чем 60-ти международно-правовым актам, формирующим систему международной защиты прав и свобод человека [1;7]. Первым универсальным международно-правовым актом о защите детей, является Декларация о защите прав детей, которая была принята Лигой Наций в 1924 году.

Если заглянуть глубже в историю, можно подчеркнуть, что в Законе XII таблиц впервые был сформулирован принцип прощения наказания. Данный принцип относился главным образом к несовершеннолетним и в некоторых последующих работах, трактовавших содержание упомянутого закона, формулировался как прощение, оправданное несовершеннолетием [2; 7]. Презумпцию невиновности, право на защиту Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан возвёл в статус принципов уголовного судопроизводства, при этом предусмотрев дополнительные гарантии для несовершеннолетних: обязательное участие защитника (51 статья Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан). Правило 8.1 предусматривает право несовершеннолетнего на конфиденциальность, данное право должно учитываться на всех этапах, чтобы избежать причинения несовершеннолетнему вреда. В соответствии с Уголовно-процессуальным кодексом, а именно со статьёй 19 рассмотрение дел о преступлениях несовершеннолетних производится в закрытом судебном заседании.

На современный период наблюдается значительный рост развития ювенального права и ювенальной юстиции в мире. В мире насчитывается 56 государств, включая Косово и Южный Судан, законодательно запретивших все физические наказания детей. Так, в Австрии согласно документу, принятом в 2011 году, несовершеннолетний, ставший жертвой насилия или эксплуатации, имеет право на компенсацию и реабилитацию. В Швеции физические наказания детей запрещены еще с 1966 года, однако уголовная ответственность за это грозит лишь в случае, если их можно квалифицировать как побои. В Литве за насилие над ребенком могут максимально дать пять лет тюрьмы, но обычно дело заканчивается исправительными работами или условным сроком. Всего же в ЕС осталось лишь пять стран, еще не запретивших полностью телесные наказания детей, - Бельгия, Великобритания, Италия, Словакия и Чехия [3].

Ювенальная юстиция не во всех странах мира достаточно развита. Однако, этап развития всё ещё продолжается. Законодательно закреплена ювенальная юстиция в большинстве стран мира. Например, в США, Франции, Швейцарии, Германии, Греции, Канаде, Грузии и других. Первый суд для работы с несовершеннолетними был учреждён в Соединённых Штатах Америки, в городе Чикаго штата Иллинойс. Данное событие сыграло важную роль в становлении ювенальной юстиции в целом. С 1908 года направление ювенальной юстиции стало активно развиваться в Великобритании. Первый ювенальный суд на основании опыта США учредили во Франции в 1914 году [4].

Ведущей страной, где развита ювенальная юстиция является Япония, хотя первый суд по



делам несовершеннолетних был учреждён в Соединённых Штатах Америки, она отстаёт по сравнению с Японией по показателям преступности несовершеннолетних. Из года в год преступность среди несовершеннолетних уменьшается в разы.

Действенным способом по ресоциализации несовершеннолетних, вовлечённых в преступную деятельность, является профилактика с целью ограждения их от вступления в конфликт с законом. На протяжении многих лет в качестве фундаментальных правовых основ в области противодействия преступности несовершеннолетних выступают международные правовые акты, эффективность которых не вызывает сомнений. В Новой Зеландии в отношении несовершеннолетних используется восстановительная модель правосудия, направленная на предотвращение рецидивной преступности несовершеннолетних после (или в ходе) процесса реабилитации, обеспечение социальной реабилитации несовершеннолетнего правонарушителя, исправление его противоправного поведения[5; 605].

Специализированные суды по делам несовершеннолетних были учреждены в Казахстане ещё в 2007 году. Только в Казахстане из стран Центральной Азии имеются ювенальные суды. Если раньше в регионе Центральной и Восточной Европы, и Центральной Азии за решетку ежегодно попадали 45 000 детей и подростков, то сейчас только 5000 [6]. Согласно статистике, в странах Центральной Азии наблюдается существенное сокращение преступности среди несовершеннолетних. Причиной такого сокращения являются правильно подобранные меры по совершенствованию законодательства о предупреждении преступности. Со времён провозглашения независимости в Узбекистане успешно развивается система ювенальной юстиции в соответствии с международными стандартами.

#### **Список использованной литературы:**

1. Суюнова Д.Ж. Методические рекомендации судьям, ответственный за судебное производство по уголовным делам и материалам в отношении несовершеннолетних. – Ташкент: “Янги аср авлоди”, 2015. – 88 с.
2. Кудрявцева Н.И. Ювенальная юстиция в России и Франции: Сравнительная характеристика. - Курск, 2003. – 105 с.
3. <https://rg.ru/2019/07/04/vo-francii-priniat-zakon-protiv-nakazaniia-detej.html>
4. [https://rostov.aif.ru/society/details/yuvenalnoe\\_bedstvie\\_ili\\_panaceya\\_pomozhet\\_li\\_seme\\_vmeshatelstvo\\_gosudarstva](https://rostov.aif.ru/society/details/yuvenalnoe_bedstvie_ili_panaceya_pomozhet_li_seme_vmeshatelstvo_gosudarstva)
5. Дородонова Н.В., Евстифеева Е.В., Ильгова Е.В. Предупреждение преступности несовершеннолетних: опыт США и Новой Зеландии. Всероссийский криминологический журнал. 2018. Т. 12, - № 4. - С. 601–608.
6. <https://news.un.org/ru/story/2020/02/1373191>



## ИШ ТАШЛАШ МЕХНАТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ ҲИСОБЛАНАДИМИ?

**Каримжонов Муҳаммадамин Муҳаммадалиевич,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси,  
Телефон: +99891 151 37 42  
Mmkarmjonov@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада иш ташлаш тушунчаси, иш ташлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги ва меҳнат қонунчилигидаги ўзаро номувофиқлик, иш ташлашнинг ҳуқуқий оқибати, иш ташлаш жараёнининг ўзига хос тартиб-қоидалари Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодекси мисолида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ходим, иш берувчи, меҳнат низоси, иш ташлаш, тақиқланган иш, тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, меҳнат интизоми.

Дунё янгиликларида қайсидир давлатда қайсидир соҳа ишчилари иш ташлаш уюштиргани ҳақида тез-тез ўқиб турамыз. Бундай ҳолатлар ўзимизда ҳам содир бўлиб турибди.

Иш ташлаш – меҳнат низоларини ҳал қилиш усулларида бири бўлиб, бирор ташкилот ёки корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасида жамоавий меҳнат низоси вужудга келганда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва касбий талабларининг корхона ёки ҳукумат даражасида қондирилишига эришиш мақсадида жамоавий тарзда ишларни тўлиқ ёки қисман тўхтатишни ўзида ифодалайди.

Табиий савол туғилади: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ходим иш ташлаш ҳуқуқига эгами?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 16-моддасида эса ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бироқ, ходимнинг иш ташлаш ҳуқуқи, шунингдек, иш ташлаш даврида ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилигимизда ўз аксини топмаган. Лекин қонунчилигимизда парадокс мавжуд. Яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 218-моддасида **тақиқланган иш ташлашга** раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра **тақиқланган иш ташлашга** раҳбарлик қилиш, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади..

Демак, мантиқан ўйлаб қарасак, Жиноят кодексида тақиқланган иш ташлаш тушунчаси берилган экан, қонуний иш ташлаш ҳам мавжуд бўлиши керакми?

Амалдаги қонунчилигимизда эса қонуний иш ташлаш тушунчаси мавжуд эмас. Тақиқланган иш ташлаш тушунчасига эса ҳеч қандай шарҳ берилмаган. Мана сизга парадокс!

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг янги таҳрирининг дастлабки 636 моддадан иборат 2019 йилги лойиҳасининг 626-630 моддаларида ходимнинг иш ташлаш ҳуқуқи тартибга солинган эди.

Лекин негадир Меҳнат кодексининг янги таҳрирининг кейинги 621 моддадан иборат 2020 йилги лойиҳасида эса иш ташлаш ҳуқуқи чиқариб ташланган □

**Тасаввур қилайлик, ходим иш ташлади ҳам дейлик. Бунинг ҳуқуқий оқибати нима бўлади?** Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, амалдаги меҳнат қонунчилигида ходимнинг иш ташлаш ҳуқуқи мавжуд эмас. Демак, бундай ҳолларда ходимга меҳнат интизомини бузганлиги (ходимнинг иш жойида бўлмаганлиги ёки меҳнат вазибаларини бажармаганлиги) учун иш берувчи интизомий жазо чораларини (хайфсан, жарима, меҳнат шартномасини бекор қилиш) қўллашга ҳақли.

Шунинг учун ходимларга таваккилчиликка йўл қўймасдан, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар (прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси, касаба уюшмалари)га мурожаат қилишни тавсия қиламиз! Ходимлар иш ташлайман деб, ишдан ажраб қолишлари мумкин.

Меҳнат кодексининг янги таҳририда иш ташлаш ҳуқуқи мустаҳкамланса мақсадга



мувофиқ бўлар эди. Бу Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатлар талабларига ҳам мос келади. «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-1-сонли қарорига асосан қўшилган) нинг 8-моддаси d-бандига кўра Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир мамлакатнинг қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган иш ташлаш ҳуқуқини таъминлаш мажбуриятини олади.

Бир қатор МДХ давлатларининг меҳнат кодексларида (Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодекси 171-178-моддалари, Россия Федерацияси Меҳнат кодекси 409-418-моддалари) иш ташлаш ҳуқуқи, иш ташлашни эълон қилиш тартиби, иш ташлаш даврида ходимларга берилган кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Чунки иш ташлаш мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд. Буни Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодекси мисолида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Унга кўра иш ташлашга бир қатор процедуралар амалга оширилиши лозим. Яъни бирданга иш ташлаш амалга оширилмайди. Ходимлар, агар яраштириш тартибида жамоавий меҳнат низосини ҳал қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек, иш берувчи яраштириш тартиб-қоидаларини бажаришдан бош тортган ёки жамоавий меҳнат низосини ҳал қилиш жараёнида эришилган келишувга риоя қилмаган тақдирдагина иш ташлаш ўтказишга қарор қилишлари мумкин.

Иш ташлашни ўтказиш тўғрисидаги қарор ходимларнинг (уларнинг вакилларининг) йиғилишида (конференциясида) қабул қилинади.

Агар ходимларнинг йиғилиши ташкилот ходимлари умумий сонининг ярмидан кўпи иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Ходимларнинг конференцияси ходимлар томонидан сайланган делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Ходимларнинг йиғилиши (конференцияси) қарорлари қатнашчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар ходимлар йиғилишини (конференциясини) ўтказишнинг иложи бўлмаса, ходимларнинг вакиллик органи ўз қарорини ходимларнинг ярмидан кўпидан иш ташлашни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплаш орқали тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Иш ташлашга ходимлар (уларнинг вакиллари) ваколат берган орган (иш ташлаш қўмитаси) раҳбарлик қилади. Бир хил талабларга эга бўлган бир нечта иш берувчиларнинг ходимлари (уларнинг вакиллари) иш ташлашганда, унга ушбу ходимларнинг тенг сонли вакилларида ташкил топган қўшма орган раҳбарлик қилиши мумкин.

Иш берувчи (уларнинг вакиллари) ходимлар вакиллик органи томонидан иш ташлашнинг бошланиши ва унинг давомийлиги тўғрисида иш ташлаш эълон қилинадиган кундан ***беш иш кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиниши керак.*** (Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодекси 171-172-моддалари).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, агар иш ташлаш ҳуқуқи меҳнат қонунчилигимизда мустаҳкамланса ҳам ходим, ҳам иш берувчи учун манфаатли бўлар эди. Меҳнат кодексига иш ташлаш, тақиқланган иш ташлаш тушунчаси, иш ташлаш даврида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш ташлашни эълон қилиш тартибининг белгилаб қўйилиши турли ғайриқонуний ҳолатларнинг олдини олган бўлар эди.



## ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА БЕКОР БЎЛИШИ

**Сафаров Умиджон Хакимжонович**  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
Олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби магистри  
Тел: 91-150-19-05

**Аннотация:** Ушбу мақолада хусусий мулк ҳуқуқи тушунчаси, вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш юзасидан тавсиялар мушоҳада қилинган.

**Калит сўзлар:** хусусий мулк ҳуқуқи, хусусий мулк ҳуқуқи объектлари, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатлари, мулк ҳуқуқи таркиби.

Жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мулк билан, мулкнинг кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Мулксиз ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Мулк ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ҳаракат манбаидир.

Ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашуви, ишлаб чиқариш унумдорлигининг ортиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг кучайиши, айирбошлашнинг ривожланиши натижасида хусусий мулк шакли пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, дастлаб хусусий мулк ижтимоий меҳнат тақсимоли ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида вужудга келадиган, жамоа мулки негизда шаклланган мулк шакли сифатида қаралган. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ажралиши натижасида ёлланма меҳнатнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариш воситалари уларнинг эгалари учун капитал ва иқтисодий ҳокимиятнинг манбасига, фақат ўз иш кучининг эгалари эса иқтисодий жиҳатдан қарам ёлланма ишчиларга айланишган.

Хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиши ҳамда давлат ва хусусий корхоналари ўртасидаги рақобатнинг ривожланиши натижасида бугунги жамиятда хусусий мулк мазмун-моҳиятига кўра ўтмишдаги хусусий мулкдан тубдан фарқ қилади ва унда ёлланма меҳнат билан хусусий мулк ўртасидаги ўзаро муносабатларда тенглик тамойили ҳукмрон бўлади. Хусусий мулкдан фойдаланиш доимий тарзда жамият назоратида бўлиши ва тадбиркорларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга йўналтирилиши керак.

Хусусий мулк ҳуқуқи инсонни давлат ва бошқа шахслар томонидан эксплуатация қилинишидан ҳимоя этади.

Жамиятда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий объекти мулк ҳисобланар экан, мулкдорлик ҳуқуқини эътироф этиш табиийдир. Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари уларнинг ФКнинг 18-моддасида назарда тутилган асосий ҳуқуқ лаёқатларидан бири саналиб, бутун ҳаёти давомида улардан ажралмайди. Ғарб мамлакатлари дунёсида эса мулк ҳуқуқини шахсларнинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик каби табиий ҳуқуқлари доирасига киритилади.

Мулкнинг дахлсизлиги ва қонун билан кенг кўламда муҳофаза этилишини белгилаб қўйилиши мулк ҳуқуқининг мутлақ ҳуқуқий муносабат сифатида гавдалантиради. Мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш учун мулкдорга қарши турган барча субъектлар унинг мулк ҳуқуқини бузмасликлари лозим бўлади.

**Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг** мазмунига тўхталадиган бўлсак, мулкдорнинг ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари тушунилади. Ушбу ҳуқуқларнинг ҳар бири мулкдорга бошқа учинчи шахслар билан боғловчи мутлақ ҳуқуқий муносабатда белгиланган ҳатти-ҳаракатларини содир этишнинг конкрет имкониятини таъминлайди.

Жумладан:

Эғалик қилиш ҳуқуқи – мол-мулкни ўз қўлида ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини берувчи жойда сақлаб туриб, мулкдорга ашё устидан хўжалик ҳукмронлигини амалга оширишнинг юридик таъминланган имкониятидир;



Фойдаланиш – иқтисодий маънода моддий ва маънавий эҳтиёжларин қондириш мақсадида ашёнинг фойдали хусусиятларини олиш тушунилади. Ашёни қўллаш натижасида олинган даромад ва ҳосилалар ҳам фойдаланиш ҳисобланади. Мол-мулкдан фойдаланиш унга эгалик қилиш билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, эгалик қилмасдан туриб фойдаланишни амалга ошириб бўлмайди. Фойдаланиш ҳуқуқи аксарият ҳолларда, эгалик қилиш ҳуқуқи каби мулкдорга тегишли бўлади. Шунинг билан биргаликда, фойдаланиш ҳуқуқи мулкдор томонидан бошқа шахсларга шартнома асосида ҳам топширилиши мумкин;

Тасарруф этиш ҳуқуқи-мулкдорнинг ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб ашёнинг тақдирини белгилашнинг юридик таъминланган имконияти бўлиб, ашёга нисбатан турли-хил юридик актларни содир этиш орқали амалга оширилади Тасарруф этиш – тўлиқ ҳажмда фақат мулкдорга тегишлидир. Бироқ қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу ҳуқуқ фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчиларига ҳам берилиши мумкин (масалан, воситачига).

Фуқаролик қонунчилиги билан назарда тутилган ҳуқуқ яратувчи функцияларни бажарувчи фактлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш асослари деб юритилади.

Мулк ҳуқуқини вужудга келиш асослари (титуллар) фуқаролик ҳуқуқининг тараққиёти давомида одатда икки хил усул, яъни дастлабки ва ҳосила усуллар орқали қўлга киритилади.

Мулк ҳуқуқи кўпинча янги нарсани яратиш пайти билан вужудга келади. Қонунга ва бошқа ҳуқуқий актларга риоя қилинган ҳолда шахс томонидан ўзи учун яратилган, ишланган нарсага нисбатан унинг ўзида ҳуқуқ пайдо бўлади. Агар бирон-бир шахс ўз мулкига нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотган бўлса ёки у ўз мол-мулкни ташлаб юборган ёхуд ўз ихтиёридан чиқариб юборган бўлса, қонуний асосларга кўра уни олган ўзга шахсда бундай мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мол-мулкка нисбатан шахс эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши бошқа шахснинг ушбу мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмайди. Мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг бундай йўл билан вужудга келишига дастлабки усул дейилади.

**Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши** қонунда назарда тутилган муайян бир юридик фактларнинг вужудга келиши билан содир бўлади. Ушбу юридик фактлар муайян ҳуқуқни бекор қилувчи ваколатли давлат органининг қарорлари, бевосита мулкдорнинг ҳаракатлари ва табиий ҳодисалардан иборат бўлади. Мазкур юридик фактлар содир бўлишининг асосий ҳуқуқий натижаси – мулк ҳуқуқининг бекор бўлишидир. Мулк ҳуқуқини бекор бўлишига олиб келувчи юридик фактларни таснифлашда мулкдорнинг эрки қай даражада ифода этилиши асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, мазкур жараёнда унинг эрки, хоҳиш-иродаси қандай ифода этилганлигига қараб ихтиёрий (мулкдорнинг эрки асосида) ва мажбурий (эрки, иродасидан ташқари) мулк ҳуқуқини бекор қилувчи юридик фактлар ажратилади.

Ихтиёрий тарзда мулк ҳуқуқи бевосита мулкдор томонидан амалга ошириладиган турли-хил юридик ва фактик ҳаракатлар орқали бекор бўлади. Мулкдор ўзига тегишли мол-мулк юзасидан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб турли-хил ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. У мол-мулкни бошқага сотиши, айирбошлаши, ҳады қилиши ёхуд бошқача тарзда бегоналаштириш орқали субъектив мулк ҳуқуқини бекор қилади. Бундай тарзда мулк ҳуқуқини бекор бўлиши ўз навбатида бошқа бир шахсда тегишли ҳуқуқни вужудга келтиради. Бундан ташқари мулкдор иқтисодий, ишлаб чиқариш ва истеъмоллий тавсифдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мол-мулкдан фойдаланиш натижасида мулк ҳуқуқи бекор бўлиши мумкин. Ихтиёрий суръатда мулк ҳуқуқини бекор бўлишида учинчи шахслар ва давлатнинг мулкдор томонидан мол-мулкнинг тақдири юзасидан қарор қабул қилишига таъсири, аралашуви бўлмайди. Мулкдор ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатларини амалга оширади.

Юқоридагиларга кўра, бизнинг фикримизча, мулк ҳуқуқини бекор бўлиши – қонун томонидан мулк ҳуқуқини йўқотилишига олиб келадиган мулкдор ёки ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган юридик ва фактик ҳаракатлар (ҳодисалар) йиғиндиси бўлиб, натижада мулк ҳуқуқи бекор бўлади ёхуд бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектида вужудга келади.

Мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари қонун ҳужжатларида назарда тутилади. ФКнинг 197-моддасида биринчи бор мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари аниқ кўрсатилди. Мазкур моддага кўра мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суръатда мажбуриятни бажариши, мол-



мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади. ФКда қонун чиқарувчи томонидан мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асосларини ўзига хос тарзда гурухланишини амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Лекин бундай гурухлашда ҳам мулкдор эрки асосий мезон сифатида олинган. Мазкур моддада фақат мулк ҳуқуқи бекор қилиш асосларининг рўйхати келтирилган бўлиб, ҳар бир асосга тегишли усуллар назарда тутилмаган. Бевосита ФКнинг 198, 199, 202-204, 206 моддаларида мулк ҳуқуқини бекор бўлиш усуллари белгиланган.

Бугунги кунда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини уларнинг эрки, иродасидан ташқари мажбурий равишда бекор бўлиш асосларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлат томонидан мулкый муносабатларнинг барқарорлигини кафолатланиши бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Шу сабабли, хусусий мулк шаклини ҳимоя қилишнинг асосий мурватлари, авваламбор Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва ФКда мустаҳкамланган бўлиб, мулкдор ҳуқуқларининг қатъийлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-қисмида “мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин” деб ўрнатилган.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши, табиийки, мулк эгаси учун қувонарли бўлмаган вазият ҳисобланиб, муайян моддий йўқотишларга олиб келади. Шу боис мол-мулкни унинг эгасидан олиб қўйиш, унга нисбатан ҳуқуқнинг бекор қилиниши қандай усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилишидан қатъий назар, бундай усулларни ҳақ эвазига амалга ошириш ва мол-мулкнинг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни тўлаш тамойили ФКда ўз ифодасини топган. Барча ривожланган ҳуқуқий тизимларда ҳам мол-мулк мажбурий тартибда мулкдордан олиб қўйилишида қуйидаги икки мезонга, яъни умумфойдалилик ва адолатли компенсация тўлашга амал қилиши қатъий тарзда белгилаб қўйилган.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини уларнинг ихтиёридан ташқари, мажбурий тартибда бекор бўлиш асослари бўлиб, қўйидагилар ҳисобланади: агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолганда мол-мулкни олиб қўйиш; тарих ва маданият ёдгорликлари хўжасизларча сақланаётганлиги; мулкдорнинг мол-мулини бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқини бекор бўлиши; тегишли мол-мулк қонун ҳужжатларига мувофиқ национализация қилиниши; ваколатли давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ реквизиция ва суд қарорига асосан мусодара қилиниши ҳамда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув унга тегишли мол-мулкка қаратилиши. Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган асослар бўйича фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши асосан давлат ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари талаблари билан амалга оширилади. Жумладан, национализация, реквизиция давлат манфаатлари асосида амалга оширилса, фуқароларнинг мажбурияти бўйича ундирувни мол-мулкка қаратиш эса унинг кредиторининг талабларини қондириш учун амалга оширилади. Шунга асосан мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳам тегишли равишда давлат ёки бошқа манфаатдор тарафда вужудга келади.

Тадқиқотнинг учинчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

- фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асосларини мулкдорнинг эрки, хохиш-иродаси қай даражада ифода этилганига қараб мулкдорнинг эрки асосида, яъни ихтиёрий ва эрки, иродасидан ташқари – мажбурий – мулк ҳуқуқини бекор қилувчи асосларга ажратиш таклиф этилади;

национализациянинг ҳақ бараварига амалга оширилиши тарафлар ўртасида мажбурият-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмаслиги асослаб берилди. Мулкдор ўз эрки, ихтиёрига зид равишда мол-мулкни давлатга ўтказди. Бундай жараёнда томонлар ўртасида мол-мулкнинг қийматини белгилаш юзасидан келишув битими тузилиши ҳам мол-мулк шартнома асосида сотилаётганлигини англамайди. Мол-мулкнинг тақдирини олдин, қонун асосида ҳал этилган бўлиб, келишув фақат компенсация миқдорини белгилайди;

мулк ҳуқуқини бекор қилиш асосларидан бўлган реквизицияда ҳам амалдаги ФК томонидан охиригача ўз ечимини топмаган ҳолатлар мавжуд. Хусусан, ФКнинг 203-моддаси 2-қисмига кўра реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан сўнг реквизиция қилинган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга



ҳақли. ФКда мол-мулкдорга қайтариб берилганда томонлар ўртасида вужудга келадиган мулкий муносабатлар тартибга солинмаган. Диссертантнинг фикрича, мол-мулк қайтариб берилганда мулкдор олинган компенсацияни мол-мулк давлат ва жамият эҳтиёжлари учун фойдаланилган даврда қийматини тушганлиги, эскирганлик даражасин инобатга олган ҳолда қайтариши керак. Шу туфайли, ФКнинг 203-моддаси 2-қисмига шу мазмундаги қўшимчалар киритилиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони.

2. Фуқаролик ҳуқуқи дарслик И.Закиров ва бошқалар ТДЮИ-2008й.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2018.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001й.

5. И.Насриев. Фуқаролик муносабатларини тартибга солиш-мамлакат тараққиёти сари яна бир муҳим қадам, <https:kun.uz/83484240/>, 00.33, 16.04.2019, Жамият.

6. В.Ёкубов. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари, ю.ф.н илмий даражасини олиш учун дииссертация иши. ТДЮИ 2005 й.



## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Сейтназаров Адилбек Джолдасович  
Судьялар Олий мактаби тингловчиси  
Телефон: +998907359979

**Аннотация:** Фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланишини назарда тутган ҳолда ушбу масалани ҳал қилиш ваколати судларга берилиши оила институтини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамиятини кучайтириш ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Фарзандликка олиш, Оила кодекси, васийлик ва ҳомийлик органлари, суднинг ҳал қилув қарори, вояга етмаган, қонуний вакил.

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам бола манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига қаратилган ва бу борада кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Фарзандликка олиш натижасида бола учун янгидан оилавий-ҳуқуқий муносабат вужудга келади, худди оилада янгидан фарзанд дунёга келгани каби фарзандликка олувчи ота-онага қонун томонидан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси ОК 151-172 моддалари фарзандликка олиш масалаларига бағишланган.<sup>1</sup> Унга кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади. Бола манфаатлари дейилганда, биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шароит яратиш тушунилади.

Оила кодексини 151-моддасини 1-қисмига биноан, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади.

Олиб борган тадқиқотлар натижасида фарзандликка олиш тушунчасига қуйидагича таърифини бермоқчимиз: “Фарзандликка олиш - ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, ўзганинг фарзандини ўз фарзандига тенглаштириб олиш ва фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасидаги шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келишидир”.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида яқин вақтларга қадар фарзандликка олишнинг маъмурий тартиби амал қилган. Маъмурий тартибда фарзандликка олишда болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига, васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилар эди.

Оила қонунчилигининг ривожланиши фарзандликка олиш институтига ҳам таъсир кўрсатди ва маъмурий тартиб ўрнига фарзандликка олишнинг суд тартиби жорий қилинди<sup>2</sup>.

Бу эса жаҳон тажрибасига мос келади. Чунки, АҚШ, Германия, Буюк Британия каби ривожланган давлатларда, шунингдек, МДХ давлатларининг аксариятида фарзандликка олиш масаласи суднинг қарори билан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 293-моддасига мувофиқ, суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар тоифасига болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар киритилди. Оила қонунчилигида бўлган ўзгаришлар натижасида фуқаролик процессуал қонунчиликда ҳам бу борада муайян ўзгаришлар киритилиб, ФПКнинг алоҳида 29-боб фарзандликка олишга бағишланди.

2013 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор бундай тоифадаги ишларини судларда қонуний, асосли, тез ва сифатли кўриб чиқилишида муҳим манба бўлиб хизмат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. <https://lex.uz>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда.



қилади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризалари бўйича фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда ҳам ОК 151 — 167-моддаларининг талабларига риоя қилиниши лозим.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда боланинг қонуний вакили ва бола фуқароликка эга бўлган давлат ваколатли органининг розилиги, шунингдек агар ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинса, фарзандликка олиш ҳақида боланинг ҳам розилиги олиниши лозим.

Агар фарзандликка олиш натижасида фарзандликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, фарзандликка олувчининг қайси фуқароликка мансублигидан қатъи назар, фарзандликка олиш мумкин эмас, фарзандликка олинган тақдирда эса, у суд тартибида бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига беради.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиши мумкин.

Фарзандликка олиш фактининг сир сақланиши қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февральдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 4-сонли қарорига кўра, иш муҳокамаси тўлиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида ўтказилишига фақат қонунда назарда тутилган асосларга кўра, йўл қўйилади (ФПК 12-моддаси иккинчи қисми, ЖПК 19-моддаси биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи қисмлари, ИПК 11-моддаси иккинчи қисми, МСИЮТК 13-моддаси иккинчи қисми).

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва судлар мажлиси залига эркин киришига тўсқинлик қиладиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак<sup>3</sup>.

Иш ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳамма учун очик бўлиши лозим.

Вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тегишли ёпиқ суд мажлисида кўрилган фуқаролик иши бўйича суд қарори (масалан, фарзандликка олиш ҳақидаги) ошқора эълон қилинмайди.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирма нусхасини фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойидаги фуқаролик ҳолати

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарори. 2013 йил 11 декабрь <http://lex.uz>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013 й., 18-сон, 237-модда).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февральдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 4-сонли қарори. Lex.Uz.



далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

Тадқиқолар натижаси шуни кўрсатадики, фарзандликка олиш тартиби мураккаб ҳамда кўп ҳужжатлар талаб қилинадиган жараён бўлиб қолмоқда.

Қонун ҳужжатларини ўрганиш натижасида бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади:

- Қонунчиликда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шартлиги кўрсатилган, бироқ фарзандликка олишда фарзандликка олувчининг энг катта ёши белгиланмаган. Шу сабабли, фарзандликка олишда фарзандликка олувчининг энг катта ёшини белгилаб қўйишни таклиф қиламан.

- Шунингдек, яқин қариндошлар томонидан фарзандликка олишнинг соддалаштирилган тартиби мавжуд эмас. Мазкур ҳолат яқин қариндошлар томонидан фарзандликка олиш тартибининг одатдаги тартиби билан бир хил жараёнлардан ўтишига, расмийлаштириш муддатларининг узайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли болаларни фарзандликка олишдан кўра, васийликка олиш ҳолатлари сони ошиб бормоқда.

Келгусида мазкур ишлар қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан билдиралаётган таклифлар бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини тўлақонли таъминлашга, етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг оила муҳитида тарбияланишига ўз хиссасини қўшади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Тошкент "Адолат" 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Тошкент "Адолат" 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февральдаги "Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида"ги 4-сонли қарори. Lex.Uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февральдаги "Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида"ги 4-сонли қарори. Lex.Uz.



## БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ВА УЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ ОҚИБАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШДА ИНСОФЛИ ЭГАЛЛОВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

**Бахронов Фахриддин Файзуллаевич.**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий  
кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби  
иқтисодий йўналиш магистратура тингловчиси.  
Телефон: +99893 800 06 31

**Аннотация:** Мақолада инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини такомиллаштириш йўли билан хусусий мулк ҳимоясининг самарадорлигини ошириш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари, инсофли эгалловчи, оқилоналик ва ҳалоллик тушунчалари, суд амалиётида юзага келаётган инсофли эгалловчининг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** Инсофли эгалловчи, оқилоналик ва ҳалоллик, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, битимлар, инсофсиз эгалловчи, фуқаролик муомаласи, иштирокчи, юридик шахслар, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрель кунги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5464-сонли Фармойишида алоҳида таъкидланидек, Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг янги босқичи иқтисодиётни янада либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу Фармойиш билан билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”да Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини такомиллаштириш йўли билан хусусий мулк ҳимоясининг самарадорлигини ошириш шулардан биридир.[1]

Қонунда инсофли эгалловчи ва инсофсиз эгалловчи тушунчаларига қўйидагича таъриф берилган, “Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли”.

“Мулкдор мол-мулкни талаб қилиб олаётганида ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахсдан (инсофсиз эгалловчи) ушбу шахс мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тўлашни талаб қилиб олишга ҳақлидир.[2]

Яъни, мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, мулкни олувчи шахс инсофли эгалловчи бўлса мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли эмаслиги, инсофсиз эгалловчидан эса ҳар қандай ҳолатда мулкдор ўз мол-мулкни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Айтиш жоизки, қонунда инсофли эгалловчига берилган бу таъриф анча тушунарсиз бўлиб, бир неча шартларни ўз ичига олганлиги сабабли айрим ҳолларда амалиётда нотўғри талқин қилинишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбек олими И.Б.Зокировнинг ёзишича, “Инсофли эгалловчи деганда, мулкнинг ўзига ғайриқонуний ўтганлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган эгалловчи тушунилади”.[3]



Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2015 йил 23 июнь кунги “Судлар томонидан Россия Федерациясининг Фуқаролик кодекси биринчи қисмини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 25-сонли қарорида “шахснинг ҳаракатлари инсофли ёки инсофсиз эканлигини баҳолаш учун фуқаролик муомаласининг ҳар қандай иштирокчисидан кутиш мумкин бўлган, бошқа тарафнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, шу жумладан унга керакли маълумотларни тақдим этиш даражасидан келиб чиқиш керак”- деб тушунтириш берилган.

Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг муаммоли масалалардан бири бўлиб турибди. Чунки, битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари бўлиб, бу ҳаракатларда ҳар доим ҳам битим иштирокчилари инсоф билан ҳаракат қилади деб айтиб бўлмайди.

Шундай ҳолатларда яъни, битим тузишда тарафлардан бири инсофсизлик билан ҳаракат қилганда ёки ҳуқуқни суиистеъмол қилганда ва шу иштирокчи томонидан судга битимни ҳақиқий эмас деб топиш, унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида даъво аризаси топширилганда суд бу масалани қандай ҳал қилиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Яъни, қонун мазмунидан шуни тушуниш мумкинки, бирор бир шахснинг инсофсизлик, адолатсизлик билан ҳаракат қилганлиги ёки унинг ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги исботланмагунча у тўғри ҳаракат қилган деб ҳисобланади.

Қонундаги инсофли эгалловчи, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиш, ҳалол эғалик қилиш, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш каби тушунчалар фикримизча фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, айтилик битим тарафларининг ҳаракатларини баҳолаш учун мезон сифатида қаралади.

Бундай нормалар ФКнинг 584, 829, 952, 1022-моддаларида ва бошқа моддаларда ҳам қайд қилинган. ФКнинг 5-моддасига кўра, кўрсатиб ўтилган ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Масалан, қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак.[4]

Мулқдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эғалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эғалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).[5]

ФК 9-моддаси мазмунига кўра, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Айрим ҳолларда низоларни ҳал қилишда қонуннинг битта моддаси ҳалоллик, оқиллик ва адолат тамойилларидан устун қўйилади.

Рус олими М.А.Егорованинг фикрига кўра, “Суд инсофсизлик билан ҳаракат қилган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни рад этиб, уни ўз ҳуқуқларини руёбга чиқариш ҳуқуқидан амалда маҳрум этмайди, балки фақат шундай имкониятни чеклаган ҳолда, инсофсиз шахсни қарши шериклари ва учинчи шахсларга нисбатан ўзини шундай тутганлиги учун жазолайди.” [6]

Қонун бундай ҳолатларда суд шахсга қарашли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкинлигини назарда тутсада, лекин амалиётда ушбу асосларда шахснинг мавжуд ҳуқуқи рад этилганлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий судлов ҳайъатининг битта қарорини топишга муяссар бўлди.

Бундан ташқари, кўп ҳолларда мол-мулклар ёки бошқа ашёлар, қимматликлар бир нечта битимлар орқали учинчи шахсларга сотилиб кетганидан кейин битим тарафларидан бири



ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан дастлабки битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўллаш тўғрисида судларга даъво ариза топширилади.

Айтиш мумкинки, бундай ҳолларда кўпинча мулкдорнинг ёки бошқа манфаатдор шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун дастлабки битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш эҳтимоли жуда юқори. Бизнинг фикримизча бу қонунларнинг умумий негизига зид.

Чунки қонун талабига кўра, нафақат даъвогарга ёки мулкдорга балки, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. [7]

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек шаъни ва кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлишга ҳақли.[8]

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 2-моддасида ҳам, иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш иқтисодий суд ишларини юритиш вазифаларидан бири эканлиги қайд қилинган.

Бундай ҳолларда қонун ва суд нафақат даъвогарнинг ҳуқуқларини, балки жавобгарнинг ёки учинчи шахснинг ҳам ҳуқуқларини, агар у инсофли эгалловчи бўлса ҳимоя қилиш чораларини кўриши керак.

Чунки, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бири бу мол-мулкни битимлар асосида қўлга киритишдир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 229-моддасини қўйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади:

**“Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мулкдор бу мол-мулкни уни олган шахсдан фақатгина мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган ҳолларда талаб қилиб олишга ҳақли.**

Инсофли эгалловчи суднинг қонуний кучга кирган қарори билан мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилганлиги ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланганлиги ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетганлиги аниқланмагунча ҳақ тўлаб олинган бу мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланади.

Дастлабки мулкдорнинг инсофли эгалловчидан ўз мол-мулкни талаб қилишга асоси бўлмаган ҳолларда у мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ўзига етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

**Пул инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас”.**

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар биринчи ёки ундан кейинги сотиб олувчилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 229-моддасига кўра инсофли эгалловчи ҳисобланиши-ҳисобланмаслигини барча манфаатдор шахсларни жалб қилган ҳолда аниқлашлари лозим. Агар биринчи ёки ундан кейинги сотиб олувчилар инсофли эгалловчи бўлган ҳолларда низоли битимлар ҳақиқий эмас деб топилмаслиги, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим оқибатлари уларга нисбатан қўлланмаслиги керак. Чунки, бундай ҳолда



даъвогар ўз ҳуқуқларини ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бошқа усулларидан, масалан зарарни ундириш усулидан фойдаланган ҳолда тиклаш имкониятига эга бўлади.

Битим иштирокчиси ҳуқуқни суистеъмол қилиб, битимни ҳақиқий эмас деб топилишидан ёки унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланишидан моддий манфаат кўриш мақсадида фойдаланмоқчи бўлган ҳолларда ҳам бундай даъво талабларини қаноатлантириш рад этилиши керак.

Агар битимда унинг ҳақиқий эмаслиги белгилари мавжуд бўлиб, бу битим бирор бир шахснинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳақиқатда бузган ҳоллардагина битим ҳақиқий эмас деб топилиши лозим. Шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш бошқа ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларнинг кўпроқ бузилишига олиб келмаса бузилган ҳуқуқ бу усулда ҳимоя қилиниши керак.

Қонун талабига кўра, битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.[9]

Бундай оқибатларни қўллашни, яъни битим предмети ва унинг қийматини тарафларга қайтариш бир вақтда амалга оширилишини ижро қонунида ва процессуал кодексларда кафолатлаш зарур.

Бу билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартнома тузишда эркинлиги, барча мулк шакллари каби хусусий мулкнинг дахлсизлиги, инсофли эгалловчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалда таъминланган бўлар эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси ФК 229-230-моддалари
3. И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. 1 қисм. Тошкент. ТДЮИ нашриёти. 2009. 448-б. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). кутубхонаси.
4. Ўзбекистон Республикаси ФК 45-моддаси
5. Ўзбекистон Республикаси ФК 187-моддаси
6. В.А.Гончарова. ВГУ.Серия: право. Недобросовестность как основание недействительности сделки. УДК 347.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддаси 9-модда. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш
8. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонун 8-моддаси
9. Ўзбекистон Республикаси ФК 114-моддаси



## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР

Атаев Шокир Куранбаевич

Урганч давлат университети ўқитувчиси

Матназаров Мохира Уктамовна

Урганч давлат университети магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Мавзу таҳлилидан келиб чиқиб, муаллиф муаммоларни ва уларнинг ечимларини келтиради.

**Калит сўзлар :** хўжалик юритувчи ҳуқуқ субъекти , тадбиркорлик субъектлари, рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик.

Тадбиркорлик субъектлари шунчаки оддий маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти эмас, балки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳам айнан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш билан боғлиқ хўжалик фаолияти соҳасидаги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади. Бундан ташқари, МЖТКнинг XIII боби савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка бағишланган бўлиб, мазкур ҳолат ҳам тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликнинг алоҳида субъекти сифатида белгилашни тақозо этади. Хусусан, ушбу кодексда шундай жавобгарлик нормалари мавжудки, мазкур ҳолатларда фақатгина тадбиркорлик субъектларигина жавобгар бўлиши мумкин.

Бу борада баъзи ҳамдўстлик мамлакатларининг Маъмурий жавобгарлик (ҳуқуқбузарлик) тўғрисидаги кодексларида тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгилаб қўйилганлиги ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз масалан, Беларусь Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 4.8-моддаларида яқка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахсларнинг жавобгарлиги, Қирғизистон Республикаси МЖТКнинг 23-моддасида юридик шахсларнинг, Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 34-моддасида хусусий тадбиркорлик субъектларининг, Молдова Республикаси Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 17-моддасида юридик шахслар, Туркманистон Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 32-моддасида юридик шахсларнинг, Тожикистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 29-моддасида яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари маъмурий жавобгарлигининг алоҳида хусусиятлари белгиланган.

Амалдаги МЖТКда юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаган. Бироқ юқорида қайд этилган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг аксарияти жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бир хил тарзда қўлланилади. Шунингдек, ушбу таъсир чораларини қўллашнинг фактик асослари моҳиятан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга «чанг солганлиги» ҳолати билан боғлиқ. Масалан, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш, лицензияларни бекор қилиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, маъмурий жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш каби ҳуқуқий таъсир чоралари бевосита маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга қарши содир этилганлик фактидан келиб чиқади.

Тадбиркорлик субъектлари оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигида етишмаётган зарурий унсур жазонинг индивидуаллашганлиги ҳисобланади. МЖТКда тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигининг алоҳида институт даражасида белгиланиши тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича, жазо тайинлаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси,



мулккий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда адолатли жазо тайинлаш мумкин бўлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам белгилаб қўйиш лозим.

Шундай қилиб тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд: *биринчидан*, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари турли қонун ҳужжатларида белгиланган. Бу эса мазкур нормаларни қўллаш бўйича ягона амалиётнинг шаклланишига салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари, ушбу қонун ҳужжатлари ўртасида ягона диалектик механизм мавжуд эмас; *иккинчидан*, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг аниқ рўйхати белгилаб қўйилмаган. Тўғри, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли фармонида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати белгиланган. Аммо мазкур ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари ҳисобланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларининг мансабдор шахслари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати аниқ мавжуд эмас, бу эса тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг ягона умумий тизими мавжуд эмаслигини англатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кунидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://www.uza.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Атаев Шокир Куранбаевич-  
Урганч давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигини оширишнинг айрим долзарб масалалари ҳақида таҳлиллар олиб борилади. Манбалар ва адабиётлар таҳлили асосида муаллиф шахсий хулосаларини келтириб ўтади.

**Калит сўзлар :** тадбиркорлик субъектлари, рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, лицензиянинг амал қилишини тугатиш.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг заиф жиҳатларидан бири бу – тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам «Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.

Барчамизга аёнки, шу вақтгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд идораларининг асосий вазифаси аксарият ҳолларда одамларни жазолашдан иборат бўлиб келган. Бу – аччиқ ҳақиқат. Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари яхши билиб олсин – «текшир-текшир» ва «деди-деди» кабилидаги гаплар асосида жавобгарликка тортишлардан халқимиз қаттиқ чарчаган» деб таъкидлаб ўтди<sup>1</sup>.

Тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигига оид миллий қонунчилик нормалари таҳлил этилганда, бу борада бир қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланадиган «фаолиятини қайта ихтисослаштириш», «банкдаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш», «лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш», «лицензиянинг амал қилишини тугатиш», «рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш», «рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш», «фаолиятини тақиқлаш» каби ҳуқуқий таъсир чораларининг тушунчалари белгиланмаган. Шунингдек, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги вужудга келишининг ҳуқуқий асослари етарли даражада белгиланмаган. Айниқса, фаолиятини чеклаш, тўхтатиш, тугатиш, қайта ихтисослаштириш таъсир чораларини қўллаш асослари «атроф-муҳитга зарар етказиш»<sup>2</sup> ёки «зарарли таъсир кўрсатиш»<sup>3</sup>, «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш»<sup>4</sup> каби умумий ҳолатлар билан ифодаланган. «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида эса тадбиркорлик субъектларига қўлланиладиган учта ҳуқуқий таъсир чораси, яъни «фаолиятини чеклаш», «фаолиятини тўхтатиб туриш» ва «фаолиятини тақиқлаш» учун ягона битта асос – фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш мақсади белгиланган. Дейлик, фавқулодда вазият, эпидемия ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш зарурати юзага келди. Бундай ҳолатда қайси таъсир чораси қўлланилади?

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кундаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://www.uza.uz>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



Тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи тушунча ва қўллаш механизми аниқ бўлмасдан туриб, уларни қўллаш қонунийлик нуқтаи назаридан шубҳали бўлиб, қонунчиликдаги мазкур бўшлиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцион ҳолатни вужудга келтирмоқда.

2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармонида тадбиркорлик субъектларига қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати келтирилган. Аммо мазкур қонун ҳужжатларида фақат суд тартибида қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати келтирилган бўлиб, бошқа органлар томонидан қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чоралари ҳали бир тизимга солинмаган.

Шундай қилиб тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд: *биринчидан*, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари турли қонун ҳужжатларида белгиланган. Бу эса мазкур нормаларни қўллаш бўйича ягона амалиётнинг шаклланишига салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари, ушбу қонун ҳужжатлари ўртасида ягона диалектик механизм мавжуд эмас; *иккинчидан*, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг аниқ рўйхати белгилаб қўйилмаган. Тўғри, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли фармонида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати белгиланган. Аммо мазкур ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари ҳисобланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларининг мансабдор шахслари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг рўйхати аниқ мавжуд эмас, бу эса тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг ягона умумий тизими мавжуд эмаслигини англатади.

Тадбиркорлик субъектлари оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигида етишмаётган зарурий унсур жазонинг индивидуаллашганлиги ҳисобланади. МЖтКда тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигининг алоҳида институт даражасида белгиланиши тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича, жазо тайинлаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда адолатли жазо тайинлаш мумкин бўлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам белгилаб қўйиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кунидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://www.uza.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>



## YOSHLARNING IJTIMOY-HUQUQIY HAMDA SIYOSIY JIHATDAN FAOLLIGINI OSHIRISH

**Mahmudbekova Gulbahor Ismoilovna**

Fargʻona viloyati Yuridik texnikum  
oʻquvchilar turar joy mudiri

**Annotatsiya:** maqolada hozirgi kunda yoshlar orasidagi huquqbuzarliklarni oldini olish uchun ularning ijtimoiy-huquqiy hamda siyosiy jihatdan faolligini oshirishning ahamiyati xususida fikrlar berilgan.

**Kalit soʻzlari:** huquq-siyosiy madaniyat, huquqbuzarlik, profilaktika.

Dunyoda globallashuv jarayonlarining jadallashuvi, ijtimoiy-huquqiy ziddiyatlarning kuchayib borayotganligi bois 2 milliarddan ortiq yoshlarning ongi va dunyoqarashini oʻzgartirishga qaratilgan kurash avj olmoqda. Yoshlar huquqiy va siyosiy madaniyatining darajasi ertangi kun taraqqiyotini belgilab berishi munosabati bilan mazkur masala tobora global va dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. BMT Bosh assambleyasi tomonidan yoshlarni ijtimoiy-huquqiy va siyosiy jihatdan faol etib tarbiyalash masalasi ustuvor yoʻnalish sifatida eʼtirof etilgan. Yoshlarning maʼnaviyatini, huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirishning metodologik asoslarini takomillashtirish, innovatsion usul va vositalarini yaratish, ushbu tizimni rivojlantirishning samarali mexanizmlarini ishlab chiqish zarurati mavjudligini koʻrsatmoqda. Jahonda fuqarolarning, ayniqsa, yoshlarning huquqiy va siyosiy madaniyatini shakllantirishning metodologik jihatlari, yuridik tabiatini tahlil etish, shuningdek, yoshlar huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirish tizimi samaradorligini taʼminlash, ularning huquqiy va siyosiy xabardorligini oshirishning taʼsirchan mexanizmlari shakl va usullarini tadqiq etish muhim ahamiyatga molikdir.

Bugungi kunda Yoshlar oʻrtasida jinoyatga moyillik alomatlarining oʻsib borishi, globalashuv jarayonlari bilan bogʻliq turli yot odatlarning yoshlar orasida ommalashuvi, zamonaviy axborot texnologiyalarining yoshlarga salbiy taʼsiri jamiyat hayotida maʼlum muammolarning keltirib chiqarmoqda. Yuqorida keltirib oʻtilgan omillar yoshlar bilan ishlash boʻyicha pedagogika sohasida bir qator vazifalarni koʻymoqda.

Oʻsmirlarning jamiyatga zid xulq-atvor tushunchasini tahlil qilar ekanmiz, uning quyidagi koʻrinishlariga alohida eʼtibor berishimiz kerak:

- jamoat tartibi va axloqiy talablarni buzish (noaxloqiy xulq-atvor);
- turli xildagi mayda qonunbuzarliklar (qonunga xilof xatti-harakat);
- qonuniy talablarni buzish, jinoyat sodir etish (jinoiy xatti-harakat) kabilar.

Jamiyatga zid xulq-atvorning barcha turlari bir-biri bilan uzviy bogʻliqligini kuzatish mumkin. Shuning uchun huquqbuzarliklarning oldini olish samaradorligini oshirish, unga sharoit yaratayotgan, jamiyatga ziyon yetkazayotgan sabablar bilan kurashni kuchaytirish davr talabidir.

Oila hamda oʻquv-tarbiya muassasasi nazoratidan chetda qolish yoshlarda javobgarlik hissini sezmaslik va beboshlikni yuzaga keltiradi. Oʻquvchilar huquqbuzarliklarining oldini olishning zamonaviy sharoitida asosiy diqqat-eʼtibor ular tomonidan sodir etiladigan huquqbuzarliklarning oldini oluvchi dastlabki profilaktika masalalariga qaratilgan boʻlishi kerak.

Oʻquvchilar bilan amalga oshiriladigan profilaktik choralar umumtarbiyaiy, jinoiy va qonuniy choralar taʼsirini birlashtiruvchi omil hisoblanadi. Oʻquvchilar tomonidan sodir etiladigan huquqbuzarliklarning oldini olishning bosh mezoni shaxsning yoshligidan buzilmasligini taʼminlashda va undagi ayrim salbiy koʻrinishlarni oʻz vaqtida toʻgʻrilab, kelgusidagi sodir etilishi mumkin boʻlgan huquqbuzarliklarning oldini olishdan iboratdir.

Hozirgi paytda oʻquvchilar tomonidan sodir etiladigan huquqbuzarliklarning oldini olish dolzarb muammolardan biridir. Chunki kelajakning davomchilari aynan oʻsib kelayotgan yosh avlodidir, ular davlatning kelajagini belgilaydi. Oʻquvchilar tomonidan sodir etiladigan huquqbuzarliklarning oldini olish uchun, avvalo, ularning kelib chiqish sabablarini aniqlash va bartaraf etish maqsadga muvofiqdir. Buni amalga oshirishda joylarda umumiy profilaktikadan unumli foydalanish va yoshlar tarbiyasiga bevosita masʼul shaxslar va tashkilotlar bilan oʻzaro hamkorlikni yaxshi yoʻlga qoʻyish ijobiy natijalarni beradi.

### Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “Oʻzbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish boʻyicha Harakatlar strategiyasi toʻgʻrisida”gi PF-4947-sonli Farmon
2. Mirziyoev Sh. Jismoniy va maʼnaviy yetuk yoshlar – ezgu maqsadlarimizga yetishda tayanchimiz va suyanchimizdir. “Xalq soʻzi” 2017



## ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДА МӘМЛЕКЕТ ХЫЗМЕТШИЛЕРИН АТТЕСТАЦИЯДАН ӨТКИЗИЎДЕ СЫРТ ЕЛ МӘМЛЕКЕТЛЕР ТӘЖРИЙБЕСИНЕН ПАЙДАЛАНЫЎ МӘСЕЛЕЛЕРИ

**Ермекбаев Баўыржан**  
“Мәмлекетлик ҳуқық  
хәм басқарыў” кәнигелиги  
2-курс магистранты

Мәмлекет хызметиниң шөлкемлестириў бойынша сырт ел мәмлекетлер тәжрийбеси соны көрсетпекте, мәмлекет хызметиндеги пуқаралар улыўма халықтың Германияда – 7,3%ин, Францияда – 7,6%ин, Италияда – 6,2%ини хәм Испанияда – 5,6%ин курайды. Әпиўайы мәмлекет хызметшилери (мәмлекет мекемелериндеги шыпакерлер, оқытыўшылар хәм басқалар) менен түрли мәмлекетлерде түрлише (базыларында – ғалабалық, базыларында – пухаралық хәм айрымларында – федерел) аталыўшы тәжрийбели мәмлекет хызметшилери парықланады. Буннан тысқары муниципал хызмети де бар, жергиликли өзин өзи басқарыў органлары чиновник-басқарыўшыларына ийе.

Улыўма алғанда, түрли мәмлекетлер мәмлекет хызметинде мәмлекет халқының 5% тен – 20% ке шекем мийнет қылыўы басқарыў системасын тәжрийбели кадрлар менен тәмийнлеўди актуал мәселеге айландырады. Мысал ушын, АҚШ федерел хызметшилери мәмлекет халқының 19%ти, Уллы Британия 6% ти, Францияда болса 15% ти курайды [1. 8]. Сырт ел мәмлекетлерде басқарыў системасын кадрлар менен тәмийнлеў механизми жоқары дәрежеде қәлиплескен болып, жоқары хәм орта арнаўлы тәлим мекемелериндеги, тиккелей басқарыў процессинде, тәжрийбе асырыў арқалы хәм үзликсиз таярлық формаларынан ибарат [2. 449].

Тәжрийбели мәмлекет хызметине тийисли мәмлекет хызметшилери белгили бир ўәкиллик шеңбери хәм материаллық халатын белгилеўши тәжрийбе дәрежеси, статус хәм атақларға ийе. Бундай класслық саны бир қыйлы емес (мәселен, Уллы Британияда олар 4, Японияда 15) әдетте, администраторлар, профессионаллар, атқарыўшылар хәм басқалар класы ажралып турады. Лаўазымлы шахслар дискрецион ўәкилликлерге ийе, яғный нызам шеңберинде өз пикирлерине көре қарарлар қабыл қылыў ҳуқықы. Мәмлекет хызметиниң, мәселен, жоқары мәмлекет хызметшилериң бос лаўазымға тайынлаў, сол лаўазымды ийелеп турған лаўазымлы шахсты аттестация қылыў (әдетте, бес жылда бир) яки таңлаў жолы (бос орынлар ушын) әмелге асырылады. Егер таңлаў өткизилсе, онда түрли комиссиялар да дүзиледи (мәселен, таңлаўға қойыўшы хәм тайынлаўшы комиссиялар). Жоқары хәм орта лаўазым ушын таңлаў аўызеки имтиханды еслетеди, яғный белгили бир шахслар (кандидатлар) менен (базыда бақлаў сораўлары берилиўи мүмкин) сәўбет өткизиледи яки жазба хўжетлери тексерилиўи мүмкин (мысалы, Германия). Төменги пағанадағы мәмлекет хызметшилери лаўазымы ушын сәўбет хәм әмелий билимлерди тексериле қолланылыўы мүмкин.

Лаўазымлы шахслар дискрецион ўәкилликлерге (нызам шеңберинде қарарлар қабыл қылыў), алмастырылмаслық имтиязына (яғный Министрлер хәм ҳүкимет алмасқан тәғдирде де, хәтте сайлаўларда оппозициядағы партия жеңисинде де өз хызмет ўазыйпасында қалады) ийе. Лекин базы жоқары лаўазымлар “хызмет көрсеткенлик дәрежеси системасы” бойынша емес, бәлки “олжа системасы” бойынша ийеленеди. Әсиресе, бул лаўазым президент яки министрдиң жеке хызметшилиги яки сиясий характерге ийе болса, жеңип шыққан сиясий партияның искерлери тайынланады. Жаңа президент яки ҳәкимият басына келген партия тәрәпинен қәлиплестирилген ҳүкимет министрлердиң жеке хызметшилери, министрликлер бас секретарияты, губернатор хәм басқа сиясий характердеги лаўазым ийелерин алмастырыўға хәрекет қылады, лекин базыда министрлер орынбасарлары өз лаўазымында қалып, тармақтағы ўәкилликлерин даўам еттиреди. Лаўазымлы шахслар өз ўәкилликлери дәўиринде басқа ҳақы төленетуғын лаўазымды ийелеўлери мүмкин емес (дөретиўшилиқ, илимий, педагогикалық искерлиги буған кирмейди), саўға қылынған буйымларды



мәмлекетке тапсырыўға мәжбүрдир (мәселен, АҚШта ҳәр қандай мәмлекет хызметшиси шет мәмлекетлер саўға қылған қыйматы 100\$дан артық болған буйымларды мәмлекетке тапсырыўлары шәрт), сондай-ақ олар сиясий партия ағзасы болыўлары, сиясий акцияларда ҳәм ис таслаўларда қатнасыўлары мүмкин емес – бул мәмлекет аппаратын департизациялаў ҳәм деполитизациялаў делинеди. Олар мәмлекет менен мүнәсебетте поялностты сақлап қалыўлары шәрт. АҚШта лоялность тексерилген, Германияда болса радикал элементлер мәмлекет хызметине, сондай-ақ тәлим-тәрбия ислерине киритилмейди. Сол менен бирге раўажланған киши аймақлы мәмлекетлерде (Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия ҳәм басқалар) эпиўайы, сондай-ақ жоқары статустағы чиновниклер мәмлекет ҳәм жәмәтшилик бақлаўында турады ҳәмде олардың имтиязлары айтарлы дәрежеде кең де емес.

Япония мәмлекет хызметшилери таңлаў ҳәм аттестациядан өткизиўде ҳәзирги дәўирде де әмелде болған “Мәмлекет хызметшилери ҳаққында”ғы нызамға әмел қылады. Усы нызам 1947 жылда қабыл қылынған.

Усы нызамның биринши статьясында-ақ, хызметшилер өз хызмет ўазыйпаларын демократик тийкарда ҳәм нәтийжели атқарыўлары шәртлиги уқтырылған. ХХ әсирдиң 80-жылларында мәмлекет хызметшилердиң сиясий ҳәрекетлер, мәмлекет бюрократиясы ҳәм исбилерменлик ҳәрекетлери тәсирине берилмеслиги ушын усы нызамға тийисли өзгертириўлер киритилди.

Японияда мәмлекет хызметшилерине қойылатуғын тийкарғы талаплар арасында, билим, кәсиплик тәжрийбе, ҳәм улыўма мәденият биринши орында турады. Бүгинги күнде Япониядағы абройлы оқыў орынларының питириўшилери мәмлекеттиң ҳуқықый мекемелерине иске кириўге умтылады. Жеке әмелият пенен шуғылланыўшы жеке мекемелерде ис ҳақы мәмлекет органларына қарағанда жоқарырақ [3. 41].

Японияда мәмлекет хызметшилеринен, әсиресе, судьяларға қатты талаплар қойылған.

Японияда судьялық лаўазымына таңлаў ҳәм судьялар корпусын қәлиплестириўдиң өзине тән қәсийети имтиханлардың өте қатаңлығы ҳәм талаптың күшлилиги. Тек судьялық емес бәлки, басқа мәмлекет органларына иске кириўде де имтиханлардан өтиў жүдә қыйын. Улыўма алғанда ҳәр жылы мәмлекет органларына иске кириў ушын имтихан тапсырған адамлардан 10,5 проценти ғана имтиханлардан әўметли өтип мәмлекет органларына иске жайласады.

Японияда судьялық лаўазымын ийелеў ушын, сондай-ақ, прокурор яки адвокат болыў ушын қатаң таңлаў қағыйдалары белгиленген. Көрсетилген үш бағдардың биринде өзин әмелий искерликке бағышлаўды қәлеген япон университетлери юридикалық факультетлериниң питириўшилери Әдиллик министрлиги арнаўлы комиссиясы тәрәпинен ҳәр жылы өткизилетуғын имтиханлардан өтиўлери лазым. Бул комиссия қоятуғын талаплар соншалық жоқары, имтихан тапсырыўшылардың 2-3%ғана бул талапларға жуўап бере алады.

Иске қабыл қылынғаннан соң лаўазымларынан жоқарылатыўда да белгили бир тәртип орнатылған. Жоқары Суд Судьяларынан басқа судьялардың өз лаўазымына ылайықлығы ҳәм лаўазымын жоқарылатыў мәселесин мәмлекет көлеминде мәмлекет хызметшилери иси бойынша палата, жайларда сол түрдеги комиссиялар шешеди. Бәнт болмаған яки жақын ўақытта босаўы күтилип атырған лаўазымға даўагерлер жазба яки аўызеки формадағы таңлаў имтиханларынан өтеди. Усы имтиханнан өткеннен кейин де қәниге ис жайына барғаннан кейин алты ай мүддетте сынаўда болады.

Японияда суд ҳәм ҳуқық қорғаў орган хызметшилерине тәлим бериўде “мәмлекет хызметшилериниң этикасы” атлы арнаўлы курс өтиледди. Усы курсты өтиўден мәқсет тек ҳәкимшилик органлар хызметшилериниң этикасы дәрежесин жоқарылатыўдан ибарат болып қалмай, соның менен бирге жәмийет ағзаларында оларға қарата исенимди беккемлеўден ибарат. Японияда профессионал юристлер корпорациясы өз кәсиплеслери санын биле тура шеклейди: 120млн. халқы болған мәмлекетте 2000 судья, 2100 прокурор, 12000 ға жақын адвокат болып, бул басқа раўажланған мәмлекетлердегиден әдеўир кем. Японияда жаңа кадрлардың тийкарғы дереги болған Әдиллик ишчилерин таярлаў курсларынан жылына



көби менен 500 адам өтеди [4. 249-251].

Жуўмаклап айтқанда, Мәмлекет хызметинң шөлкемлестириў бойынша сырт ел мәмлекетлер тәжрийбесин кеңнен үйрениў арқалы Өзбекстан Республикасында мәмлекет хызметшилерин аттестациядан өткизиўди еле де раўажландырыў, сырт ел мәмлекети тәжрийбесин мәмлекетимиз хуқықый системасына масластырған ҳалда қабыл етиў, оларды турмысқа енгизиў бул тараўдағы жәмийетлик қатнасықларды тәртипке салыўда унамлы шешимди пайда етеди.

**Пайдаланылған әдебиятлар:**

1. Государственная служба. Общие проблемы. Зарубежный опыт. Вып. 1. – М., 1994.
2. Государственная служба: теория и организация. Курс лекций. Ростов на Дону: “Феникс”, 1998.
3. Вафоқулова Н. Японияда давлат хизматчиси//Қонун ҳимоясида. -2001.-№2.
4. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник)-М.: Юр. лит. 1993.



## ТӘБИЯТТАН ПАЙДАЛАНЫҰ ХӘМ ҚОРШАП ТУРҒАН ТӘБИЙИЙ ОРТАЛЫҚТЫ ҚОРҒАҰ ТАРАҰЫН БАСҚАРЫҰ ТҮСИНИГИ ХӘМ ӨЗИНЕ ТӘН КӘСИЙЕТЛЕРИ

**Қазақбаев Туғелбай**  
“Мәмлекетлик ҳуқық  
хәм басқарыу” кәнигелиги  
2-курс магистранты

Тәбиятты қорғау тарауын мәмлекетлик басқарыудағы ең тийкарғы максет – экологиялық қәуипсизликти хәм тәбият ресурсларынан ақылға уғрас пайдаланыуды нәзерде тутады [1. 148-151]. Бул жолда болса, әлбетте экологиялық қәуипсизлик мәселелери ҳуқықый талқылау максетке мууапық саналады. Экологиялық қәуипсизлик жыллар дауамында республикамыз аймағында тәбийийий ресурслардан ақылға мууапық пайдаланбау хәм тәбиятти қорғау қағыйдаларына әмел етпеу халық хожалығы тарауларында алып барылған ислеп шығарыу протсеси нәтийжесинде жүзеге келди. Демек, жер, жер асты байлықлары, суу, тоғай, хайуанат, өсимлик дүньяси хәм атмосфера ҳауасын қорғау хәм олардан пайдаланыу сыяқлы мәмлекетлик экологиялық сиясатының еки әхмиетли бағдардағы қағыйдаларды тәмийинлемеу, тәбият пенен жәмийет ортасындағы жана бағдар есапланған пуқаралардың экологиялық қәуипсизлигин тәмийинлеу менен байланыслы ҳуқықый қатнасықлардың пайда болыуына себеп болады.

Тәбияттан пайдаланыу хәм қоршап турған тәбийий орталықты қорғау тарауында мәмлекет басқарыуы мәмлекет шөлкемлери тәрәпинен қоршап турған тәбийий орталықты қорғау, тәбийий ресурслардан пайдаланыу хәм экологиялық қәуипсизликти тәмийинлеуде көринеди хәм жәмийетте социаллық басқарыудың структуралық бөлеги есапланады.

Тәбияттан пайдаланыу хәм қоршап турған тәбийий орталықты қорғау тарауында мәмлекет басқарыуы деп мәмлекетлик шөлкемлериниң қоршап турған тәбийий орталықты қорғау, тәбийий ресурслардан пайдаланыу хәм экологиялық қәуипсизликти тәмийинлеу бойынша қарар, буйрық хәм көрсетпелер бериу искерлиги түсиниледи [2. 76-78].

Тәбияттан пайдаланыу хәм қоршап турған тәбийий орталықты қорғау тарауында мәмлекет басқарыуы шөлкемлериниң қарар, буйрық хәм көрсетпелер бериуи олардың жәмийетлик-ҳуқықый қатнасықларын тәртипке салыу шеңбериндеги юридикалық хәм физикалық шахсларға мәжбурий көрсетпелер бериу ҳуқықынан келип шығады. Бул мәжбурий көрсетпелер көп мәрте қолланылатуғын (яғный олар тәрәпинен қабыл етилген норматив хужжетлерде белгиленеди), ямаса бир мәрте қолланылатуғын (яғный белгили бир ямаса бир неше субъектке тийисли, мысалы, ҳуқықбузарлықты тоқтатыу бойынша) көрсетпелерден ибарат болады.

Тәбияттан пайдаланыу хәм қоршап турған тәбийий орталықты қорғау тарауында мәмлекет басқарыуы шөлкемлериниң орынлау хәм қарар шығарыу, буйрық хәм көрсетпелер бериу искерлиги қоршап турған тәбийий ресурслар ҳаққындағы нызам хужжетлериниң атқарылыуын тәмийинлеуге қаратылған [3. 148-151].

Тәбияттан пайдаланыу хәм қоршап турған тәбийий орталықты қорғау тарауында мәмлекетлик басқарыуды шөлкемлестириуде тәбийий ресурслардан пайдаланыу хәм бақлауды ажыратыу, яғный экология тарауында тәбийий ресурслардан тиккелей пайдаланыушылар бақлау үәкиликлерине ийе болмайды [4. 76-78]. Экология тарауында мәмлекет басқарыуы шөлкемлерин қәлиплестириу хәм де олардың хызметлерин шөлкемлестириуде пайдаланыу хәм бақлау үәкиликлерин тәртипке салыу нызам менен қатаң белгиленеди.

Тәбияттан пайдаланыу хәм қоршап турған тәбийий орталықты қорғау тарауында мәмлекет басқарыуы нормасы ретинде искерлик - мәмлекет хәкимияты шөлкемлери тәрәпинен ҳуқық дәрәтиушилиқ қылыу арқалы ислеп шығылған хәм қабыл етилген нормативлик-ҳуқықый хужжетлердеги экологиялық талапларды әмелде қолланыу хәм де мәмлекет экологиялық сиясатын тәмийинлеуге қаратылған искерлик есапланады. Мәмлекет басқарыу шөлкемлериниң орынлау искерлиги нызам хужжетлерин әмелге асырыу бойынша әмелий искерлиги есапланады. Мысалы, жер участкаларын жайында ажыратып бериу, жер участкасына болған ҳуқықты мәмлекет дизимине алыу, тәбийий ресурслардан пайдаланыу хәм қорғау қағыйдаларына әмел етиуди бақлау хәм тағы басқа.



Табияттан пайдаланыў хэм қоршап турған тәбийий орталықты қорғаў тараўында мәмлекет басқарыўы нормасы ретинде ҳуқықты қорғаў - ҳуқықты қорғаў тараўында арнаўлы ўәкилликли мәмлекет шөлкемлериниң мәмлекетте экологиялық ҳуқық тәртибин тәмийинлеўге қаратылған искерлиги. Тәбияттан пайдаланыў хэм қоршап турған тәбийий орталықты қорғаўды басқарыў мәмлекет басқарыў шөлкемлери ҳуқықты қорғаў искерлиги арқалы тәбийий ресурслардан пайдаланыў хэм оларды қорғаў қағыйдалары бузылған жағдайда айыплы шахсларды жынайый, ҳәкимшилиқ хэм интизамий жуўапкерликке тартыў мәселеси ҳуқықты қорғаў органларына ямаса ҳуқықбузар ислейтуғын шөлкемниң администрациясы алдына қөйылады. Егер экологиялық қадағалаў шөлкемлери басқарыў жуўапкерликке тартыў ҳуқықына ийе болса, бул мәселени шешеди, суд органларында қоршап турған тәбийий орталыққа жеткизилген зыянда өндириў бойынша арзаларын қозғатады, тәбийий ресурслардан пайдаланыўшылардың бузылған ҳуқықларын қайта тиклеўге қаратылған илажларды әмелге асырады.

Тәбияттан пайдаланыў хэм қоршап турған тәбийий орталықты қорғаў тараўында мәмлекет басқарыў шөлкемлериниң ўәкиллик шеңберинде қабыл еткен қарарлары экологиялық қатнасықлар субъектлерине қарата мәжбурий есапланады. Бирақ мәжбурий көрсетпелер бериў усылы бул мәмлекетлик шөлкемниң искерлигинде тийкарынан экологиялық қадағалаўды әмелге асырыў процессинде қолланылады. Мысалы, экологиялық қадағалаўды әмелге асырыўшы органлар экологиялық ҳуқықбузарлик ислеген шахсларға бул ҳуқықбузарлық ақыбетлерин, оларды ислеў себеплерин хэм шәрт-шәраятларын сапластырыў бойынша мәжбурий көрсетпелер бериўге ҳақылы.

Улыўма алғанда тәбияттан пайдаланыў хэм қоршап турған тәбийий орталықты қорғаўды басқарыў тараўында мәмлекет басқарыўды әмеге асырыўда экологиялық қәуипсизлик тәбият хэм жәмийет ортасындағы байланыс болып, қоршаған тәбийийий орталыққа, тәбийийий ресурслардың жағдайына жәмийет турмысына хэм инсанның саламатлығына қәуипли тәсирлердиң алдын алыўда нәзерде тутьлады.

Экологиялық машқалаларды шешиўде экологиялық қәуипсизликти тәмийинлеў үлкен әҳмийетке ийе. Бирақ, экологиялық қәуипсизлик қоршаған тәбийийий орталық жағдайын жақсылаў, бул шахс, жәмийет хэм мәмлекеттиң экологиялық мәплерин тәмийинлеўге хизмет етеди, бунда инсан искерлиги нәтийжесинде тәбиятқа көрсетилетуғын антропоген тәсириниң экологиялық системасының өз-өзин тиклеў механизми көлеминде болыўы, экологиялық системаның бузылмаўы, екосистема кризиси жүз бермеўи хэмде халықтың экологиялық қәуипсизлигин тәмийинлеўге ерисиледи [5. 96].

Солай етип, табияттан пайдаланыў хэм қоршап турған тәбийий орталықты қорғаўды басқарыў тараўында мәмлекетлик басқарыўды әмелге асырыў экологиялық қәуипсизлик норма хэм талапларына әмел етиў тийкарында әмелге асырылады. Бул хәр бир шөлкемниң тиккелей мәжбүрияты болып есапланады. Соның менен бир қатарда, экологиялық қәуипсизликке әмел етиў мәмлекет мәжбүрлеў күши менен тәмийинленеди, яғний экологиялық қәуипсизлик норма хэм талаплары бузылған жағдайларда ҳуқықбузарлық субъектине қарата, қылмыстың жәмийетлик қәуиплилик дәрежесине сай болған юридикалық жуўапкершилиқ шараларынан бири қолланылады.

#### **Пайдаланылған әдебиятлар:**

1. Махотлова М.Ш. Государственное управление в области охраны окружающей среды и природопользования // Московский экономический журнал. №4. УДК 046Х.
2. Кульдагов А.М. Государственное управление природопользованием в условия глобализации // Международный журнал прикладных наук и технологии «Integral». №3. 2018.
3. Махотлова М.Ш. Государственное управление в области охраны окружающей среды и природопользования // Московский экономический журнал. №4. УДК 046Х.
4. Кульдагов А.М. Государственное управление природопользованием в условия глобализации // Международный журнал прикладных наук и технологии «Integral». №3. 2018.
5. Сафаров Ж., Урунбаев Д., Ахмедов Б. Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари. Илмий рисола. / ю.ф.д., проф. М.Б.Усмонов умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(1-қисм)**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2021

**Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000